

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Хўжаев Шухрат Худойқулович

Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати

5 А 2200101 “Адабиётшунослик” мутахассислиги бўйича
магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Г.Эрназарова
филология фанлари
номзоди, доцент

Қарши – 2007

КИРИШ

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ. “Мустақиллик пойдеворига халқимизнинг бошига тушга оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз харитасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирн-кетин тикланыпти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган минглаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотига қайтмоқда”¹

Юртбошимизнинг ушбу сўзларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, XX аср бошларида халқимизни маърифатсизлик ва жаҳолатуйқусидан уйғотишнинг жарчиларидан бири бўлган, юртимизнинг порлоқ келажаги йўлида эрк ва хурриятни қўлдан бермаслик ғояларини илгари сурган элимизнинг буюк фарзанди Абдурауф Фитрат ижодини ўрганиш ва “уларни ўзининг қонуний эгаси бўлмиш халққа етказиш”² адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Мустақиллигимиз шарофати билан шўро даврида ноҳақ айбловлар билан бегуноҳ қурбон бўлган аجدодларимиз қолдирган бой маданий-маънавий мерос халқимизга қайтарилди. Шулар қаторида халқимизнинг зукко фарзанди Абдурауф Фитрат ижодига бўлган қарашлар ҳам тубдан ўзгарди. Истиқлол даврида Фитрат ижоди бўйича адабиётшунос олимларимиз томонидан бир қатор йирик илмий тадқиқотлар олиб борилди. Абдурауф Фитрат ижодини ўрганишга ва тарғиб этишга давлатмиқёсидаги иш сифатида қаралди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 22-февралдаги “Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу хайрли ишлардан кўриниб тўрибдики, Абдурауф Фитрат ўзбек халқи маънавий тафаккурида ўзига хос ўрин тутганулуғи жодкордир. Унинг серқирра ижоди бўйича кўплаб фикр мулоҳазала, тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Ана шу ҳолат, яъни Абдурауф Фитрат ижодининг жуда серқирра ва бой эканлиги ҳамда ўзининг янги-янги тадқиқотчиларини кутаётганлиги магистрлик диссертациямизда кўтарилган масаланинг долзарблигини белгилайди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси.

Абдурауф Фитрат ижодини ўрганиш, хусусан “Абулфайзхон” трагедиясига муносабат билдириш шўро давридаёқ бошланган эди. Шўро даврида Ҳ.Олимжон, Т.Собиров, Жамол Камол, Э.Каримов, С.Алиев каби бир қатор адабиётшунослар

¹ И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент ўзбекистон, 1993, 85-бет.

² И.Ғаниев. Фитрат драмалари поэтикаси. Тошкент Фан, 2005, 250-бет

“Абулфайзхон” трагедиясига ўз муносабатларини билдирган, тадқиқотлар олиб борган эдилар. Аммо бу тадқиқотлар шўро мафкураси нуқтаи назаридан келиб чиққан бўлиб, трагедиявульгар социологикакида асосида баҳоланган, унга турличағайриилмий муносабатлар билдирилган эди. Абдурауф Фитрат ижодига ва “Абулфайзхон” трагедиясига тўлақонли холис, илмий баҳо бериштиқлол даврида рўй берди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Фитрат қаламига мансуб асарларкитоб ҳолида нашр этилди, унинг ижоди бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Таниқли адабиётшунослар Б.Қосимов, Э.Каримов, Ҳ.Болтабоев, Н.Каримов, И.Ғаниевлар Абдурауф Фитрат ижоди бўйича йирик илмий тадқиқотлар олиб бордилар, рисоалар чоп этдилар ва адиб ижодига холисона илмий баҳо бердилар.

Мазкур магистрлик диссертациямиз ҳам юқоридаги таниқли олимларнинг яратган тадқиқотлари асосида оддий адабиёт ихлосманди – магистр талабанинг фикр-мулоҳазалари сифатида юзага келди.

Ишнинг мақсад ва вазифалари.

Мазкур диссертациямизнинг асосий мақсади ўзбек трагедиянавислигининг асосчиси бўлган Абдурауф Фитратнинг илк ўзбек трагедияси “Абулфайзхон” тарихий фожеасини яратиш борасидаги маҳоратини адабиётшунос олимларнинг фикр-мулоҳазалари умумлашмаси мисолида очиб беришдан иборатдир. Бу мақсад ўз навбатида қуйидаги вазифаларни ҳал этишни тақозо этади:

- Шўро даври адабиётида Абдурауф Фитрат ижоди ва “Абулфайзхон” трагедиясига билдирилган муносабат тўғрисида фикр юритиш;
- Иштиқлол даврида Абдурауф Фитрат қаламига мансуб асарлар,хусусан “Абулфайзхон” трагедиясининг ўрганилишига муносабат билдириш;
- “Абулфайзхон” трагедиясида келтирилган тарихий фактлар ва уларни драма талаблари асосида бадиий ёритилишини очиб бериш;
- “Абулфайзхон” илк ўзбек трагедияси бўлганлигисабали унғача бўлган жаҳон трагедиянавислигида орттирилган тажрибаларни ушбу трагедияда қўлланиш ўринларини ёритиш;
- “Абулфайзхон” трагедиясининг жанр хусусияти ва поэтикаси тўғрисида фикрлар юритиш;
- “Абулфайзхон” трагедиясининг Абдурауф Фитрат ижодида тутган ўрни ҳақида сўз юритиш.

Ишнинг янгилиги ва амалий аҳамияти.

Биз юқорида таъкидлаб ўтдикки, Абдурауф Фитрат ижоди ва “Абулфайзхон” трагедиясига энг тўғри ва холисона илмий баҳо бериш иштиқлол даврида рўй берди ва бу

каби тадқиқотлар ҳамон ўзининг янги-янги қирралари билан давом этиб келмоқда. шундан келиб чиқиб биз ушбу магистрлик ишимизни Абдурауф Фитратнинг трагедиянавислик маҳорати бўйича кенг қамровли ёки илк тадқиқот деган фикрни илгари суришдан йироқмиз. Балки илм дунёсига эндиgina кадам қўяётган талабанинг устоз олимлар тадқиқотлари умумлашмаси мисолида билдирмоқчи бўлган фикрлари деб ҳисоблаймиз.

Магистрлик ишимизнинг илмий янгилиги сифатида қуйидагиларни келтириб ўтаемиз:

- Абдурауф Фитрат ижоди бўйича шўро даврида олиб борилган тадқиқотлар, хусусан “Абулфайзхон” трагедиясида шўро даврида билдирилган муносабатларни умумлашма тарзида ўрганиш;
- Абдурауф Фитрат ижоди ва “Абулфайзхон” трагедияси бўйича истиқлол даврида олиб борилган илмий тадқиқотларни умумлаштириш асосида фикрлар билдириш;
- “Абулфайзхон” трагедияси бўйича шўро даврида ва мустақилликдан сўнг олиб тадқиқотлар ҳамда билдирилган фикр-мулоҳазаларни ўзаро қиёслаш орқали муносабат билдириш.

Ишнинг илмий методологик асоси.

Ишимизнинг методологик асосида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг юртимизда маънавият ва маърифатни ривожлантиришда, миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантиришга оид қимматли фикрлари биз учун дастурулуамал ҳам бўлди. Адабиётшунос олимлар Б Қосимов, Н.Каримов, Ҳ.Болтабоев, И.Ғаниевларнинг Фитрат асарларини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари ишимизга йўналиш берувчи асосий омил бўлди. Таниқли адабиётшунос олим филология фанлари доктори, профессор Илҳом Ғаниевнинг Фитрат ижоди бўйича тадқиқотлари, илмий асарлари магистрлик диссертациямиз учун энг муҳим таянч омил бўлиб хизмат қилди. Олимнинг Фитрат трагедиянавислиги тўғрисида ёклаган илмий иши автореферати, “Фитрат драмалари”, “Фитрат ва фитратшунослиги” каби илмий асарлари ушбу ишимизни яратиш учун асосий манба ҳисобланади. Ишимизда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам ана шу асарларда келтирилган қарашларга қиёсан амалага оширилади.

Ишнинг тадқиқот манбалари.

Магистрлик диссертациямизни асосий тадқиқот манбаси сифатида Фитратнинг мустақиллик даврида чоп этилган драматик асарлари, хусусан “Абулфайзхон” трагедиясини Фитратнинг уч томлик сайланма асарлари таркибидаги нусхаси ва дунёга машҳур драматург Уильям Шекспирнинг “Макбет” трагедияси ҳамда XX аср бошларида

бошқа ижодкорлар қаламига мансуб драматик асарлар деб белгиладик. Диссертациямизда кўтарилган мавзуни очиб беришда юқорида келтирилган асарлар киёсий тарзда ўрганилди.

Иш кириш, иик боб, тўрт қисм, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1.1. “Абулфайзхон” ўзбек трагедиясининг илк намунаси.

Абдурауф Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедияси ўзбек тарихий фожеасининг илк намунаси. Адибнинг ўзи “Абулфайзхон”ни “Бухоро ўлкасининг тарихида беш пардали фожеа”, деб атайди.

Бу трагедиянинг яратилиши XX аср ўзбек адабиётида муҳим воқеа бўлди. Трагедия тарихий тараққиётнинг жуда мураккаб, қалтис даврида яратилдики, халқимиз эски ёки янги тузумни ёқлаш учун ўз ўтмишига назар солмоғи лозим эди. Шунинг учун мавзуни узок ўтмишдан – аштархонийлар сулоласининг инкирозга юз тутиши ва манғитлар ҳокимиятининг бошланиш замонидан (XVII аср) танлади.

Шу ўринда адабиётшунос Беғали Қосимовнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик. “Фитрат нега энди айнан Абулфайзхон даврига мурожаат қилди? XX асрнинг 20-йилларидаги шиддатли инқилобий жараён билан олис тарихдаги сулолалар курашининг бир-бирига қандай яқинлиги бор?”. Бу саволга олимнинг ўзи қуйидагича жавоб беради: - Аввало, ҳар икки тарих ҳам халқимиз ҳаётидаги энг масъулиятли, энг ҳаяжонли эди. Тўғри, бири янги турмуш байроғи остида, иккинчиси янги сулола ҳимояси йўлида кечди. Лекин бир-бирини инкор этувчи икки ҳолат – мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳокимият учун кураш ҳар иккиси учун ҳам хос бўлиб, уларнинг бири бирлашишга ундаса, иккинчиси бўлинишни тақозо этарди. Ҳар иккиси ҳам жамиятнинг барча қатламларини ўзига жалб этган ва энг муҳими, иккиси ҳам кучга, зўравонликка суянган эди”. Ўша даврда халқимизнинг илғор зиёли фарзандлари қаторида турувчи Абдурауф Фитрат 20-йиллардаги мусибатли ҳолатга, оғир турмушга ўзининг шу тариқа муносабатини билдиради ва уни тарихнинг аччиқ фожеаси билан муқояса қилган ҳолда ифодалайди. Дарҳақиқат, Фитрат айтмоқчи, XVI асрдан сўнгги Ўрта Осиёдаги сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёт ўт ағир эди. Ўзаро феодал жанглари, тахт талашишлари, ҳокимият учун оға-ини бир-бирини аямаслик каби иллатлар бу даврда кўпайди. Бу каби ҳокимият талашиш воқеалари XX аср бошларига ҳам хос бўлаб, ўз даврига муносабат билдириш учун икки ўхшаш замонни муқояса қилиш драматургга қўл келди ва “Абулфайзхон” фожеасининг вужудга келишига асос бўлди. Абдулла Қодирий “Ўтган

кунлар”да мавзуни узоқ ўтмиш, мозийнинг энг “қора кунлари”дан танлаган бўлса, Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясига аштархонийлар сулоласининг (1597-1747) инқироzi ва ҳокимият тепасига манғит амирларининг (1593-1920) қатли ом восита келиш фожеаларини танлади.

Шоир ва таржимон Жамол Камол қандай шароитда, қай мақсадлар билан ёзилганлигига тўхталиб шундай дейди: “Бухорода халқ жумҳурияти эндигина барпо этилган, лекин тарихдан ҳайдалган амир ҳали чегарада тиш қайраб турар, уни қуроли тўдалари империалистик кучлар билан тил бириктириб, ёш халқ ҳокимиятига қарши жон-жаҳди билан тўхтовсиз кураш олиб бораётган давр эди. Ана шундай шароитда кенг меҳнаткашлар оммаси кўзи ўнгида амирлик тартиботининг туб моҳиятининг баралла фош этиш қалам аҳли олдида турган муҳим вазифа эди... “Абулфайзхон” мураккаб шароитда, лекин чуқур ўйланиб, моҳирона битилган драма”. – Афсуски, - деб таъкидлайди Илҳом Ғаниев – “Абулфайзхон”нинг яратилиш тарихига оид Фитратнинг ўз хотиралари, ёзишмаларига бугунгача эга эмасмиз. Шунинг учун гипотеза тарзида, трагедиянинг яратилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган айрим бир мулоҳазалар қайд этилади”.

“Абулфайзхон”нинг дунёга келишига боис бўлган, ижобий роль ўйнаган сабабларидан бири Фитратнинг рус, татар, озарбайжон драматурглари ижоди билан жуда яқин таниш бўлганлиги дейиш ҳам мумкин.

Тарихдан маълумки, 10-30 йиллар оралиғида Туркистоннинг бир қанча марказий шаҳарларида дунёнинг машҳур драматурглари В.Шекспир, Ф.Шиллер, Н.В.Гоголь, А.П.Чехов, Ҳ.Жовид, Н.Наримоновларнинг асарлари рус, татар, озарбайжон драма дасталари томонидан бир неча бор намоиш этилган. “Ўз даврининг забардаст драматурги бўлган Фитрат эса, бу каби тарихий воқеаларга ва қардош халқларнинг драма репертуарларига, драматурглар кўтариб чиқаётган замонавий муаммоларга бўлган қарашларга албатта қизиқмаслиги мумкин эмас”.

Ўша давр ўзбек адабиётида “Абулфайзхон” трагедиясининг яратилиши, Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён”, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” каби романлари катта воқеа бўлган. аммо мамлакатда бошланган сталинизм сиёсатининг ҳукм суриши (1927-1957) “Абулфайзхон”дек умуминсоний дардларга йўғрилган, фалсафий ва бадиий қудратга бой” асарни адабиётдан четга суришга мажбур қилди. Бу асарни кенг ўрганишга, илмий ва бадиий жиҳатдан таҳлил ва талқин қилишга йўл бермади. 20-30 йилларда пайдо бўлган ва тез орада оддий халқ – ишчи деҳқон синфини зиёлиларга қарши қайраб қўйишга улгурган вульгар социологизм концепциясининг зарали қарашлари “Абулфайзхон”га ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Шу тариқа зиёли қатламга уюштирилган ҳужумлардан Фитрат ва унинг қаламига мансуб асарлари ҳам четда қолмади.

Адабиётни ишчи синфининг ўзи яратади ва асосий адабий қаҳрамон ҳам ишчи-деҳқон бўлиши шарт деган ғояни илгари сурувчи вульгар социологик ақида “Абулфайзхон”да халқ оммасининг асосий кучи – деҳқонлар, қосиблар тасвирланмаган, хонликка қарши реал куч кўрсатиб берилмаган” каби синфийлик таҳлили остида юксак бадииятга эга бўлган асарга адолатсиз айбларни қўйди.

Фитрат ижоди 1956-йилда расман оқлангандан сўнг ҳам Абулфайзхонга синфийлик анъаналаридан келиб чиқиббаҳо бериш ўзгармади. Фитрат иоди бўйича тадқиқотлар, илмий мақолалар chop этилди, мулоҳазалар билдирилди, аммо барча-барчаси юқорида таъкидлаганимиз – синфийлик анъаналаридан чиқиб кета олмади. Илҳом Ғаниев мулоҳазаларидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Фитрат ижоди бўйича тўла даражадаги илк йирик тадқиқот Ҳамид Олимжон томонидан олиб борилган. Ушбу тадқиқотда ҳам Фитрат асарларига ёндашув ҳолисона бўлмаганлигини таъкидлаган олим қуйидаги фикрларни баён қилади:

“Абдурауф Фитратнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган дастлабки, айти замонда энг қалтис, ноҳолис, ғайриилмий синфийлик “кўз ойнаги”ни тақиб ёзилган мақола Ҳамид Олимжоннинг “Фитратнинг адабий ижоди ҳақида” деб номланган ишидир (1936). Ҳамид Олимжон Фитратнинг “Сайёҳ Ҳинди”, “Мунозара”, “Бедил” каби насрий асарлари, “Чин севиш”, “Ҳинд ихтилолчилар”, “Шайтоннинг тангрига исёни”, “Арслон” ва “Абулфайзхон” пьесаларини таҳлил қиларкан, бу асарларни бошдан-оёқ пантуркизм, панисломизм ва миллатчиликда айблайди: “Фитрат инқилобий Туркистонни унга (Шарққа – И.Ғ) қарши қўяди”, У миллатчилилик адабиёти бошида туриб раҳбарлик қилди”, “Фитратпантуркизм, панисломизм мафкураси билан ёнади”, “Фитрат ижодида чуқур бир бадбинлик ётарди” каби ўнлаб айбловлар ёпиштиради.

Профессор Илҳом Ғаниев Фитрат драмаларига шўро даврида билдирилган муносабатларга алоҳида тўхталиб ўтади ва бу давр адабиёти ва адабиётшунослиги учун ҳукмрон бўлган вульгар социологик методнинг нақадар ноҳолис ёндашувларини фактлар асосида очиқ беради. Фитратнинг қаламига мансуб сахна асарлари бўйича илк илмий тадқиқотни амалга оширган тадқиқотчи Ҳамид Олимжон, С. Алиев, Т. Собиров, Жамол Камол, Э. Каримов, М. Раҳимов, Р. Мустафақулов каби тадқиқотчиларнинг шўро давридаги Фитрат асарларига билдирган муносабатларини ва истиқлол даврида тадқиқот олиб борган адабиётшунос олимларнинг фикрларини муқояса тарзида келтириб ўтади.

Ҳамид Олимжон “Абулфайзхон” таҳлиliga кенг тўхталиб, Бухоро хонлари тарихидан олиб ёзилган асар эканини қайд этгач, хонликка қарши курашувчи “бир куч”

тополмайди. “Абулфайзхон”, - дейди у, - Фитрат хонлик саройини, унинг ичидаги оппозицияларни унинг ичидаги жаллодчилик фитна ва ўч олишликларни кўрсатмоқчи, хонлик саройининг чегараланган муҳитини кўрсатмоқчи бўлган, лекин бу хонлик талашлари, хонлик ва тахт ваҳшийликларини йилларча ўз елкасига кўтариб ўтган кенг омма Фитрат асарида қатнашмоқдан ҳуқуқсиз қолган¹. Фитратнинг ёзувига кўра, бу тахт ва хонлик талашларидан фақат шу тахт атрофида юрганларгина жабр кўради. Драмада хонлар, шоҳлар, амалдорлар, хўжалар, эшонлар қатнашадилар, ҳақиқий эзилганларнинг бирорта вакили кўрсатилмайди”.

Трагедиянинг жанрий хусусияти талаби шундан иборатки, унда бирорта ҳам ортиқча ҳаракат, персонаж бўлмаслиги керак. Ҳолбуки, Фитрат “Абулфайзхон”га, Ҳ.Олимжон айтмоқчи, “офат ва ҳалокатларни йилларча ўз елкасида кўтариб ўтган кенг омма”ни ёки бўлмаса унинг икки, уч вакилини воқеалар ичига олиб кириши мумкин эди. Аммо у пайтда асарни бутунлай бошқача сюжетда, композицияда тасвирлашга тўғри келарди. Трагедияда воқеалар кўпайиб, персонажлар сони ортадики, трагик конфликтнинг кучая бориш имконияти, табиийки, камаяди. Шунинг учун Фитрат биринчи навбатда асарни тарихий воқелик ҳақиқий бадиий кўриниш эканлигини назарда тутиб, бирор ортиқча персонаж олиб қирмайди ва омманинг хонга қарши нафрати, (Ҳ.О.)исёнини Хаёлнинг фожеа сўнгидаги сўзлари билан ифода этади. Хаёлнинг Раҳимбий тимсолидаги феодал жамиятга, хонларга қарата айтган “Эй, қон – қора саодат инсон” сўзлари бир шахс ёки Бухоро хонлигидаги маҳаллий аҳоли чегарасидан чиқиб, умуминсоний, оммавий муносабатни, қаҳр-ғазабни ифода этади. Бу ҳолатни теран англаган ўқувчи эса ўз-ўзидан тушунадики, трагедияда кўрсатилган воқеалар оддийгина золим шоҳнинг фожеали ўлимигина эмас, балки ҳокимият бошқаруви қайси ирқ, қай миллатда бўлишидан қатъий назар, қон ва золимлик, фитна ва хоинлик, қатағон ва адолатсизликка асосланган бўлса, тезда барҳам топади. Барҳам топганда ҳам халқ ва тарих кўксига чуқур из солиб кетади. Қон ва асрий анъаналарни поймол қилиб тикланган ҳокимият маълум даврда яшашаи мумкин ва ўзи истаганча зулм қилиши, қадриятларни ўлдиришга – юлиб ташлашга интилиши мумкин, аммо бу нарса билан ўзи кутган натижаларни кўра олмайди, олиб ташланган маънавият ўрнидан яна мустаҳкам илдизга эга бўлган маънавият униб чиқаверади. Бу ҳолатни яхши англаган Фитрат “Абулфайзхон” драмаси орқали мустамлакачи “тўра”ларга ўз сўзини айта олди.

И.Ғаниев “Абулфайзхон”нинг 60-80-йилларда ўрганиш таҳлилига кенг тўхталиб ўтиб, қуйидаги фикрларни келтириб ўтади:

¹ Ҳ.Олимжон. МАт.10 жилдлик. 6-жилд. Тошкент, Фан, 1982, 233-бет.

“Адабиётшунос Турсун Собиров 1968 йилда ёзган “Ўзбек совет драматургиясининг тараққиёт босқичлари” номли ишида “Фитрат драматургиясига билдирган муносабатини ҳозирги даврда янгича баҳолашни таъминлаш эҳтиёжи туғилипти, деса-да 30-йиллардаги вульгар социологик синфий даъволарни яна бир бор такрорлашдан нарига ўтмайди: “Бухоро хонларининг ўзаро тахт талашликлари шу муносабат билан юзага келадиган тўқнашувлар акс эттирилса ҳам, лекин омманинг – меҳнаткашларнинг хонлар зулмига қарши кураши ўз ифодасини топмади”¹.

Шу ўринда бир нарсани қайд этишни жоиз деб билдик, тўғри Фитрат трагедияда хонлар зулмига қарши курашувчи халқ оммасини тасвирламади, аммо ўзаро тахт талашувлари, ноўрин қирғинлар ва зулм халқ ва мамлакат бошига нечоғли мусибатлар келтиришини очиб бера олди.

Адабиётшунос С.Алиев ҳам трагедияга бирёқламалик асосида муносабатини билдиради: “Фитрат хатога йўл қўйди, - деб ёзади филология фанлари доктори С.Алиев, “Абулфайзхон” ҳақида, -пьесанинг ғояси ҳам аниқ эмас. Биринчи планда Абулфайзхон ва унинг яқинлари, меҳнаткаш халқ ҳаёти эса сояда қолиб кетган”. Драматург эмас, адабиётшунос С.Алиев субъективликка йўл қўяди ва аниқ ғоя асосида, пухта ўйланиб, яратилган “Абулфайзхон”да ғоя аниқ эмас, -дейди.

С.Алиев “Ҳинд ихтилолчилари”, “Чин севиш” каби Фитратқаламига мансуб драмаларга нисбатан ўзининг ижобий фикрларини билдириб ўтади, аммо “Абулфайзхон”га нисбатан ўзидан аввалги қарашлар (Ҳ.Олимжон, Т.Собиров)дан чекина олмайди.

Ўша давр мафкурасидан келиб чиқиб, меҳнаткаш халқ оммасининг хонлик ҳокимиятига қарши кураши акс эттирилмаганлиги учун асарни юксак бадиийлик асосида баҳолай олмайди.

Аҳмад Алиев ҳам ўзининг “Адабий мерос ва замонавийлик” китобида Фитратни ўтмишни идеаллаштириш ва қўмсашда айблайди, аммо шу билан биргаликда “Абулфайзхон”даги образлар дунёси, фалсафий ғоя ва конфликтларни ойдинлаштириш борасидаги драматург маҳоратига озгина ижобий қарашларни ҳам келтириб ўтади.

Шоир ва таржимон Жамол Камол “Абулфайзхон” – тўнғич тарихий драма”² номли мақоласида Фитратнинг тарихий ҳақиқатни бузмай тасвирлагани, тарихий шахслар образини яратишда тарих ҳақиқатларидан чекинмаганлигини ва айни пайтда бу трагедия ўзбек драматургияси шаклланаётган даврда ёзилганлигига қарамай, ҳозирга қадар ҳам энг мукамал бадиий, фалсафийқудратга эга асар эканлигини таъкидлайди.

¹ Ганиев И. Мастерства Абдурауфа Фитрата в создании трагедии. “Абулфайзхон”. Автореф. дис. канд. фил. наук. – Тошкент, 1992

² Жамол Камол. “Абулфайзхон” – тўнғич драма. ЎзАС. 1989, 14-апрель.

Адабиётшунослик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, турли даврларда “Абулфайзхон” трагедиясига турлича муносабатлар бўлганлигига гувоҳ бўламиз.

“Драманинг бош фалсафий ғояси, аҳамиятига кўра, баҳо бериш, ўрнига тор синфий манфаатлар нуктаи назаридан келиб чиқиб баҳолаш 30-йиллар адабий танқидчилигидаги ёмон иллат эди. Бундай муносабат бадиий методни бир хиллаштириш(унификация), бадиий асар имкониятларини чеклаб қўйиш(регламентация)га олиб келди. Фитратнинг ижоди, айниқса, “Абулфайзхон” трагедияси ўткинчи ақидалар муваққат мезонлар, юқори ташкилотлар кўрсатмаларидаги “ҳақиқатлар”га таяниб ёзилмагани учун ҳам бугунга қадар ўқувчи, томошабин ва адабиётшунослар диққатини ўзига тортаётир деб таъкидлайди Илҳом Ғаниев”¹.

Ҳақиқатан ҳам, асар хоҳ драматик, хоҳ эпик, хоҳ шеърый бўлсин зийрак китобхон дастлаб унда кўтарилган муаммонинг ўзига дахлдор томонларини излайди. Драматик асарлар эса, бошқа бадиий асарларга нисбатан ҳам ўзига кўп юк олади. Чунки бундай асарлар нафақат ўқувчи(китобхон), балки кенг томошабинлар (ёши ва қизиқишидан қатъий назар) оммаси назаридан ўтади. Фитрат асарларининг, хусусан “Абулфайзхон” трагедиясининг ҳам умрбоқийлиги бу асардаги юксак бадиийликбилан биргаликда уйғунлашиб кетган умуинсоний дардлардир.

Фитратнинг ушбу трагедияни яратишдаги маҳорати шундаки, драматург айтмоқчи бўлган фалсафий ғояни тарихий фактлар билан жуда мос равишда уйғунлаштирган ва буни бадиийлик воситасида моҳирона ёритиб берган.

Адабиётшунос Э.Каримов “Абулфайзхон”нинг “Шарқ юлдузи”(1989 йил, 1-сон) журналида чоп этилиши муносабати билан ёзган сўзбошида асарнинг тарихий, бадиий қимматига, Фитратнинг тарихий ҳужжатларни пухта ўрганиб, мазкур асарни яратганига тўхталади: “Ижтимоий психоанализм ва бадиий кучга кўра, - деб ёзади у, - А. Фитрат трагедияси 20-йиллар ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарлардандир”. Олим драматургнинг Абулфайзхон образини зўр маҳорат билан яратганлигини алоҳида қайд этади: “Абулфайзхон образи ёркин индивидуал белгиларга эга бўлса-да, унда барча золим хонлар – Мусулмонқул, Худоёрхон, Асфандиёр, Олимхон кабиларга хос типологикижтимоий моҳият мужассамлашган”².

Ҳақиқатан ҳам, Фитрат Абулфайзхон фигурасида профессор Эрик Каримов айтмоқчи “Мусулмонқул, Худоёрхон, Асфандиёр, Олимхон” ва Амир Насруллокабиларнинг айрим феъл-атворларини типиклаштирган ва шунинг баробарида Абулфайзхоннинг ўзигагинахос бўлган жиҳатларини ҳам очиб берган. Буни юзага

¹ Ғаниев И. Мастерства Абдурауфа Фитрата в создании трагедии “Абулфайзхон”. Автореф. дис. канд. фил. наук. – Тошкент, 1992

² Каримов Э. “Абулфайзхон” тарихий фожеаси ҳақида.// Шарқ юлдузи. 1989, 1-сон, 81-бет.

чиқаришда образлар занжиридан, диолог ва конфликтлардан ўз ўрнида моҳирлик билан фойдаланган.

Фитрат Абулфайзхон фожеасини оддийгина тарихни бадиий ёритиб бериш учунгина ёзмади, - биз буни ҳали зукко олимларнинг мулоҳазалари мисолида ҳам ёритиб ўтамиз, - балки бу каби “аччиқ яра” асрлар силсиласида давоамий авлодлар учун ҳам ибрат бўлишини истади. Буни биргина Иброҳимбийнинг Раҳимбий, Абулфайзхон, Ҳакимбий, Қози Низом, Дониёлбий охунларга қарата айтган сўзлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин¹.

Бу фикрларимизнинг исботини таниқли жадиदшунос, профессор Бегали Қосимов трагедиянинг Қарши театрида сахналаштирилиши муносабати билан ёзган “Инсон фожеалари” тақризида асарнинг яратилиш тарихи ва замонавийлигимасаласи тўғрисида тўхталиб ўтган фикрларида ҳам кўришимиз мумкин: “Фитрат учун XVIII аср Бухорода юз берган воқеалар шунчаки маълумот учун эмас, маърифат учун ҳам керак эди. У зулм ва зўравонлик эл-юрт учун фақат моддий талофат, жисмоний азоб-уқубат эмас, ўнглаб бўлмас маънавий жароҳат келтиришини кўрсатиб берди. Шу тариқа адиб инқилобий воқеалардан узоқ туюлган Абулфайзхон фожеасини замонасига хизмат қилдирди”.

Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда “Абулфайзхон”да кўтарилган муаммолар инқилобий воқеалардан, давр муҳити ва ҳолатидан жуда йироқ туюлади. Аммо асарнинг замирига кироадиган бўлсак, яна бир бора юқорида таъкидлаганимиздек, Фитратнинг маҳоратига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Зеро, миллат танламайдиган бузғунчиликлар давом этаверса, бу бузғунчиликлар замон ва макон ўртасидаги узвий муносабатларга ҳам путур етказди. Фитрат ҳам 20-йиллар ижтимоий турмушидаги зўравонлик ва бошбошдоқликларга тарихнинг аччиқ кечмишларини ибрат қилиб кўрсатади.

“Абулфайзхон” трагедиясининг ўрганилиш тарихидан ойдинлашадики, асар ханузга қадар ўзининг илмий, ҳаққоний баҳосини олгани йўқ. Трагедия 30-йилларда вулгар социологларча танқидга учраган бўлса, Фитрат ижоди расман оқлангандан кейинги (1956-1985) йилларда ҳам синфийлик нуқтаи назаридан талқин этилди, “қатағонга учради”. Комфирқанинг тарихий Апрель пленумидан (1985) сўнг “Абулфайзхон” трагедияси ҳақида илиқ муносабатлар пайдо бўла бошлади. Асарнинг ижтимоий ҳаётдаги, адабий воқеликдаги ўрни, айрим бир бадиий қирралари адабиётшунос, санъатшунос, шоир ва драматургларимиз томонидан эътироф этилган, холос.

“Абулфайзхон” трагедиясининг XX аср ўзбек адабиётининг 20-йилларидаги тутган тарихий ўрни, роли, тарихий воқеликни қай даражада ҳаққоний ёритганлиги Фитратнинг тарих ва тарихий шахслар образларини идрок этиш ва унинг бадиий талқини, асарнинг

¹ Қосимов Б. Инсон фожеалари. // ЎзАС. 1990, 6-апрель

ғоявий концепцияси ва образлар дунёси ҳали тўлиқ, илмий ўрганилгани йўқ”, -деб таъкидлайди “Абулфайзхон” трагедияси бўйича илк ҳар тарафламахолис тадқиқот олиб борган адабиётшунос И.Ғаниев.

Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг XX аср бошидаги бошқа ижодкорлар қатори Фитрат ижодига ҳамянгича талқинлар асосида ёндашиш, холис илмий баҳо бериш адабиётшунослар олдидаги асосий вазифалардан бирига айланди.

Фитрат ижоди бўйичақатор кенг илмий тадқиқотлар олиб борилди ва адибнинг қаламига мансуб асарлар ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини ола бошлади.

Бизнинг ушбу магистрлик ишимиз ҳам ўзбек трагедиясининг илк намунаси бўлмиш “Абулфайзхон”га шўро ва истиқлол даврида билдирилган фикрлар қиёси ва умумлашмаси сифатида юзага келди.

1.2. “АБУЛФАЙЗХОН” ТРАГЕДИЯСИНИНГ ЖАНРИЙ ПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Юқорида таъкуидлаганимиздек, Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясини “Бухоро ўлкасининг тарихидан беш пардали фожеа” деб таъкидлайди. “Бу жумладаги “фожеа” сўзи ҳозирги “трагедия” истилоҳи билан айният ҳосил қила оладими” – (И.Ғ.).

Ҳақиқатан ҳам, “Абулфайзхон” том маънодагит трагедиясими? Бу жанрнинг анъанавий меъёрлари талабига тўла жавоб берадими?

Ҳозирги трагедия билан қиёслаганда-чи? Гарчанд “Абулфайзхон” трагедиясини яратишда Фитратнинг маҳорати борасида аввалроқ тўхталиб ўтган бўлсак-да, ушбу ўринда профессор Илҳом Ғаниевнинг фикрларига ҳамоҳанг тарзда “Абулфайзхон”нинг том маънодаги фожеа (трагедия) эканлиги тўғрисида баъзи фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтамиз.

Трагедиянинг драматик турнинг бошқа жанрларидан кескин фарқлаб турувчи жиҳати ундаги барча унсурлари (конфликт, характер, сюжет, композиция, тил ва ҳ.к.)

драма ва комедиядагига қараганда юқори илдамли бўлишда, бўртиқлигида, гинерболизациялашганлигидадир. Фожеа – кийин, мураккаб жанр. Трагедияда ҳаракатнинг ривожига қаҳрамонни сўзсиз фожеавий ечимга яқинлаштиради. Чунончи “Абулфайзхон” трагедиясидаги бош конфликт, фожеага олиб боровчи конфликт – бу тарихнинг объектив таракқиёт қонуни ва унга қарши бормоқчи бўлган бош қаҳрамон ўртасидаги зиддиятлар. Бундай зиддият пировардида қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан ички курашига олиб келади. Бундай ички кураш Абулфайзхонга, балки бу образни тўлдириб турувчи Ҳақимбийга ҳам хос. Гарчанд бу икки персонаж ўртасидагичам ўзаро зиддият, молу давлат васвасасига тушганҳар икки золим тимсоли бир-бирини тўлдирувчи фожеавийликни бўрттиради. “Абулфайзхон”ни трагедия сифатида сақлаб турувчи умуртқапоғонасига ҳам Абулфайзхоннинг “трагедия жанрига хосийрик ва кучли курашчи, ўз мақсади йўлидаги қаршиликлардан тап тортмовчияхлит характер” эканлигида эмас, балки айнан ўшандай шахс эмаслигида, айнан ана шундай қатъиятсиз, жоҳил қонхўр кишининг бутун бошли халқ устидан ҳукм юргизганлигида, шу юрт масаласи бир ёқда қолиб, нукул маишат ва ёвузликлар билан машғул бўлганлигида, ёвузлик нафақат бошқаларга, ҳатто ўша ёвузликни амалга оширган кишиларга ҳам зарарли эканлиги, албатта, фожеага олиб бориши, инсон қалбини ларзага солиб, ундаги йиллар давомида ҳосил қилинган жамики орзу-армонларни ағдар-тўнтар қилиб ташлашидадир. Шунинг учун ҳам “поезиянинг ҳеч бир тури бизнинг руҳимизга трагедия каби кучли таъсир қилмайди”. Ёвузликнинг бу қадар ларзакор, шиддатли фожеавий таъсирини Фитраттрагедиядаги нафақат Абулфайзхон, Ҳақимбий, балки бошқа образлар моҳиятига ҳам заррама-зарра сингдирган. Раҳимбий, Нодиршоҳ, Иброҳимбий, Фарҳод оталик, Абулмўминхон буларнинг ҳар бири ё ўз ёвузликларининг, ё бошқалар қилмишларининг қурбонлари. “Фожеа,- деб ёзади М.Олимов, - одатдаги мўътадил ҳаётнинг инкоридир, ечимига ақл, идрок ҳам ожиз қолган, инсон бошини зиддиятли эҳтиросларчулғаб олган, улар бор кучи билан оёққа қалққан ҳолатдир”. Айтиш мумкинки, “Абулфайзхон” трагедиясидаги барча иштирокчилар – Абулфайзхоннинг ўзидан тортиб эпизодик характердаги Қурбонгулгача ана шундай ечимга дучор бўладилар ва ўз қалбларидаги зиддият курашининг қурбонига айланадилар.

Аристотел антик давр фожеанавислиги тажрибаларини умумлаштириб, трагедия “ҳаракат орқали изтироб чекиш, қўрқув билан инсон руҳини покловчи муҳим ва тугал воқеа тасвиридир”, - деб ёзган эди. Бу иқтибосдаги ҳукм – фожеани акс эттиришдан мақсад изтироб ва қўрқув орқали инсон руҳини поклаш (катарсис)¹ эканлигидир. “Абулфайзхон” трагедиясидаги изтироб ва қўрқувлар ҳам пировардида ё ўша қаҳрамонларнинг ўзини, ё

¹ Аристотел. Поэтика. Тошкент. 1980 95-бет

томошабиннинг қалбан покланишига олиб келади. Абулфайзхоннинг ўлимидан озгина олдин айтган сўзлари – монологини эслайлик: “Инсонлар дунёнинг уялмоқ билмаган ҳайвонлари! Бирингизнинг кўз ёшлари бирингизнинг шодлик боғчаларини суғорадир. Бирингизнинг мотам инграшлари яна бирингизнинг тўй чалғуларини куйлатадир. Бир-бирингизнинг борлиқларини еб, ҳирсларингизни тўйдирмоқдан қачонгача безмайсиз!”. Бу бир умр қонхўрлик қилиб нафақат ўзгалар, балки ўз жигарларининг ҳам қонини тож-тахт ва мол-давлат йўлида дарё-дарё қилган ваҳший бир кимсанинг иқрори, ҳаётдаги сўнгги сўзи! Мантиқан Абулфайзхон “қўлим куяди деб қушбеги билан ловия емайдиган” ҳукмдорнинг бундай хулосага келиши мумкин эмасдай, ҳатто дор олдида ҳам. Аммо анашундай зиддият трагедияни туғдирганилиги, шубҳасиз. Демак, Мустафакулов ёзганидек, “трагизм йўқолиб бормаган”, аксинча, Абулфайзхон ўз қалбидаги икки ҳолат: асар бошидаги ҳукмфармолик, ўзини салкам худо ҳисоблаш (эсланг: “яхшиямки, буларнинг ўлими қўлимиздадир”), димоғдорлик ҳисси ва асар охирида шу туйғуларни чилпарчин бўлиши оқибатида тарих ва инсон қисмати ҳақоратларини англаш орқали рухий покланиш сари борган. Худди шу хулоса уларнинг асардаги бошқа воқеалари “натурамастик тарзида жўн иллюстрация қилинади” деган деган фикрларини ҳам йўққа чиқаради. Чунки Абулфайзхоннинг тарихан золим, қонхўр шахс эканлиги, бинобарин унда асардаги сингари руҳият, ҳолат кечмаганлиги, эҳтимол, ҳақиқатга яқинроқдир. Лекин Фитратнинг тарихни шунчаки иллюстрация қилмаган, балки тарихий воқеаларга шекспирона фожеавий тус берган, тарихий шахсларни трагедия қаҳрамонларига айлантира билган. Шу ўринда трагедиянинг В.Белинский томонидан таърифланган яна бир жиҳати юзага чиққан. Бу қоидага кўра, “ҳар бир шахс трагедияга, тарихга эмас, тарихий исм таққан бўлса-да шоирга тегишли”¹.

Трагедиянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ундаги конфликт “ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий” тараққиёти, инсониятнинг илғор маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади”. Дарҳақиқат, “Абулфайзхон” трагедиясида ҳам даврлар, авлодлар, қаҳрамонлар типлари алмашинуви тасвирланади. Буларнинг ҳаммаси қонларга, ўлимларга асосланган қаттиқ курашларда кечади. Моҳиятига кўра, даҳшатли воқеалар, қаҳрамонларнинг ўлими билан тугайдиган конфликтларни буюк Пегал “совуқ” деб айтган, фожеанинг моҳияти қаҳрамоннинг аянчли ўлимида эмас, шу воқеанинг муқаррарлигида. Тарихнинг ўзи уни даҳшатли фожеавий ўлимга маҳкум этган.

“Абулфайзхон” трагедиясидаги тугун бир сулола ўрнини иккинчи бир сулола эгаллаши билан ечилгандек, конфликтлар ҳал бўлгандек кўринса-да, асосийси бу эмас. Воқеалар ривож ва қаҳрамонлар тақдири ҳокимиятни Абулфайзхондан –

¹ Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Тошкент Фан, 2005.

аштархонийлардан зўрлик билан тортиб олган Раҳимбийлар —манғитларнинг ҳам таназзули муқаррар эканлигидан далолат беради. Худди ана шундай ечим трагедия “қаҳрамонлар тақдири орқали умуминсоний қисмати ва айнаи вақтда абадий адолат қонунини намойиш” қилиниши ҳақидаги Целлар қондаси “Абулфайзхон” трагедиясига ҳам хосдир. Зоҳиран, Абулфайзхон салтанатининг емирилиши, бу салтанат тарафдорлари кўпчилигининг ҳалок бўлиши, ботинан эса, аштархонийлар устидан ғалаба қозонгандек бўлиб кўринган Раҳимбий ҳокимиятининг ҳам таназзули муқаррарлиги, зулм ва зўрлик салтанати устида Хаёл томонидан ўқилган айбнома ана шундай “чилпарчин” бўлишдир.

Кўринадики, “Абулфайзхон” трагедияси конфликтнинг характери, характерлар талқини, трагик вазият, ечим ва бошқа барча талабларига кўра чинакам трагедиянинг барча талабларига жавоб бера оладиган асардир.

Шундан келиб чиққан ҳолда трагедиядаги воқеалар ривожива асосий ғоя алоҳида бир тарзда илгари сурилади. Иброҳимбий қадимги душмани Абдуллахонни у дунёга жўнатгани учун Раҳимбийга саловат айтмайди, унинг ҳам бошига бир кун Абдуллахоннинг “Сиз бўлғонда Абдуллахонни тушургач, қурултой чақирар эдим. Янги хон билан унинг оталиғини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим”, - деб жавоб беради.

“Абулфайзхон” трагедияси бадиий макон ва бадиий замоннинг, айниқса драматик асар хронотопининг реал тарихий замон ва макондан фарқли томонларини ўрганишда қулай материал бўлиши мумкин. Дейлик, шу асар асосида тайёрланган спектаклузоғи билан бир соатга чўзилади. Лекин шу бир соат томошабин деярли ўн йиллик воқеалар билан танишади. Шу боис ҳа драматург асарни бошлашдан олдин қуйидагича эслатма бериб ўтган: “Бундаги воқеаларда биринчи парда билан иккинчи парда орасида етти йил, иккинчи, учинчи пардалар билан тўртинчи, бешинчи пардалар орасида бир йил замон ўтгандир”.

Асардаги макон ва замон узлуксизлигини таъминлашда драматург психологияда сезгилар иллюзияси деб юритиладиган ҳодисадан фойдаланади. Тўғрироғи, шунга умид боғлаган ҳолда иш юритади. Агар бир оғирроқ нарсани ипга боғлаб, уни кўлимиз атрофида айлантирсак, ҳавода узук жойи йўқ бир айлана ҳосил бўлгандек бўлади. Ҳолбуки, бу айлана — йўқ нарса, иллюзия. Ипга боғланган нарса муайян сонияда фақат бир нуқтадагина мавжуд бўла олади.

Худди шундай ҳолни бу драмада ҳам кўришимиз мумкин. Биринчи пардада Абулфайзхон бутун амиру амалдорлари билан оёғи салтанат узангисида бўлган бир ҳолатда намоён бўлади. Унинг қиличидан қон томади, савлатидан от ҳурқади. Иккинчи пардада Ҳакимбий кимсан хонхўжасаройи Улфатга: “Хоннинг буйруқлари Арқдан

Мирарабгача юрмайдур, Эрон кўшини билан қандай урушар?”, - дея масхараомуз гапиради. Учинчи пардада эса хароб кулбада қисматига йиғлаб ўтирган ва пичок зарбидан: “Вой, ўлдим..... Нега қочмадим.....Болаларим.....Улфат.....” деб жон узаётган ҳолатда учратамиз. Бу сахналарнинг бири билан иккичиси ўртасидаги ўзгаришлар қай тарзда кечади, қандай қилиб воқеалар бу қадар кескин бурулишларга учради, буларни биз билмаймиз. Лекин шунга қарамай, бир парда билан иккинчи парда орасидаги воқеалар узлуксиздай, Абулфайзхон салтанати қоядай таассурот қолдиради.

Хўш, бу нима билан боғлиқ? Табиийки, сезгилар иллюзиясининг ўзи ҳам ёритиб турадиган даражада жонли, ҳаётий тасвирлаб берилганлигибилан боғлиқ.

Хронотоп нуқтаи назаридан бу асарда трагедия жанрининг устивор анъаналаридан биров чекиниланган, жанр ривожига нисбий янгилик олиб киришга ҳаракат қилинган. Одатда, трагедиялар етакчи трагик қаҳрамоннинг ўлими билан якунланади. Баъзи асарларда эса фожеанинг марказида турган, яъни унга дучор бўлган қаҳрамон тўртинчи пардадаёқ қатл этилади. Сўнгги бешинчи парданинг воқеаларига у эмас, ундан ҳам қонли тахт шоҳид бўлади.

Ушбу мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, “Абулфайзхон” бадииятнинг қайси жиҳатлари билан ёндашилишидан қатъий назар, том маънодаги трагедиядир.

Трагедияда бадиий санъатларнинг қўлланишидаги драматург маҳорати.

Адабий асарнинг бадиийлиги, яъни одамлар ўзлари кўриб-билиб, бошдан кечириб юрган воқеа-ҳодисаларининг ўзлаштириб тақдим этилиши натижасида уларнинг ўқувчиларга ҳис-ҳаяжон, эмоция уйғотиши, ўзига асир этиши ва эогаштира олиш масаласибадиий ижоднинг илк намуналари вужудга келган даврларданок адабий таҳлилчиларни қизиқтирган. Аристотелдан тортиб то бугунги эстетиклар, санъатшунослар, адабиётшуносларгача асарнинг бадиийлигини таъминловчи воситаларни таҳлилу тадқиқ этмоқда, бадиийлик сирларини очиш йўлида уринмоқда. Эстетика ва адабиётшуносликда эътироф этилганидек бадиийлик асосида образлилик ётади. “Образлилик яратишнинг муҳим воситаси эса кўчма маъно ҳосил қилишдир”. Кўчма маъно ҳосил қилишда эса, бевосита ифода-тасвир усуллари деб аталувчи унсурлар асосий ўрин тутаяди. Бадиий усуллар рус адабиётшунослигида “бадиий тасвир воситалари”, “ифодавий-тасвирий воситалар”, “бадиий санъатлар”, “кўчимлар” сингари атамалар билан ифодаланади.

Фитрат драмаларида бадиий санъатлар катта ғоявий, мажозиймаънога эгаки, уларни четлаб ўтиш бу асарларнинг , фалсафий, умумбашарий моҳияти – адабийлик сирининг очилмай қолишига ёки чала очилишига сабаб бўлиши мумкин. Мумтоз адабиётни чуқур тадқиқ қилган ва нукталаригача ҳис этган Фитрат қадим илми бадеъдан,

шунингдек бадий санъатлар, уларнинг маъно – ғояни нозик ифода эта олиш имкониятидан беҳабар бўлганлиги, уларнинг ўз асарларида кўр-кўрона қўлламаганлиги шубҳадан холидир. Фитрат яшаган ўта мураккаб, хилма-хил ғоялар, қарашлар, фикрлар қалашибётган ва ҳар қадамда бир-бирига қарама-қарши келгандавр ҳақиқатларини ошкора айтиш, зўрлаб киритилган ижтимоий қонун-қоида ва тарбияларга қарши мумкин бўлмаган бир қалтис вазиятда фикрни, идеяни имкониятлари кенг бўлган бадий санъатлар либосига ўраб тақдим қилиш яхши йўл бўлганлиги ҳам шубҳасиз. Шунинг учун ҳам Фитрат ўз драмаларида мумтоз бадий санъатлардан кенг фойдаланган. Ҳатто унинг айрим асарлари бутунлигича рамзий-мажозий маънога эга (“Қиёмат”, “Ҳинд ихтилолчилари”, “Чин севиш”, “Шайтоннинг тангрига исёни”). Драматург асарларида ўттизга яқин классик бадий санъат намуналарини учратиш мумкин. Миқдори вазифаси ҳар хил бўлган бу санъатларнинг драмада тутган ўрни, муаллиф айт моқчи бўлган ғояни ўқувчи – томошабинга етказишдаги роли, асардаги бошқа ғоявий-бадий композицион узвлар билан муносабати ва муносабатлилиги китобхон, режиссёр, актёр, томошабиннинг асарни “ҳазм қилиши” учун аҳамияти қандай? Умуман олганда, бадий санъатлар “тирик организм” ҳисобланган бадий асарнинг олиб ташлаш ҳам, нимадир қўшиш ҳам мумкин бўлмаган аъзосига айлана олганми? Кейинги мулоҳазаларимиз мана шу ҳақида.

ТАШБИҲ

Мумтоз поэтикада “ташбиҳ”, замонавий ўзбек терминологиясида “ўхшатиш”, рус ларда “сравнение” деган истилоҳ билан юритиладиган тасвирий восита ёхуд бадий санъат адабиётшунослик фанининг йўргагидан бошлаб ўрганиб келинмоқда. Ташбеҳларни сўзлашув нутқида ҳам, публицистикада ҳам, барча адабий жанрлар ва ҳатто илмий услубда ҳам учратиш мумкинки, бу мазкур бадий санъат қўлланиш доирасининг кенглиги, катта имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Фитрат сўзлашув нутқидан олинган ташбиҳни сўзлашув нутқи учунишлатган. Худди шу ташбиҳни “Абулфайзхон” трагедияси ҳам кўрамиз: “Хаёл (*тахтга қараб*) эй қора куч, эй қуриб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмаган болалардан, тоғ каби йигитлардан миллиончалари сен учун қурбон бўлиб кетарлар”. Бу “тоғ каби йигитлар” бошқачарок характерга эга. Бу ерда ташбеҳга қаҳрамоннинг халқ вакили эканлигини англатиш вазифасини юкламаган, балки тахтнинг ваҳший қудратини кўрсатишга хизмат қилдирилган. Тахт ва тоғ каби йигитлардан миллиончалари тазодий характерда, оппозицион муносабатда турибди. Агарчи шу ташбиҳ бўлмай “миллионларча йигитлар” дейилганда тахтнинг ёвузлиги бу даражада очилмас эди. Бу эса, бевосита бир хил

ташбеҳнинг асарда ёзувчининг ниятига кўра мутлақо бошқа-бошқа вазифани бажарилишини кўрсатади.

МУБОЛАҒА

Муболағалар фразеологик ибора, мақол ёки трафарет жумлалар кўринишида бўлиб, оғзаки сўзлашувда кенг қўлланади. Тилнинг энг гўзал ва нозик гавҳарлари халқ ичида эканлигини теран англаганва уларни йиғиб адабий тилгакиритилиши ташаббуси билан чиққан Фитрат улардан ўз асарларида фойдаланмаслиги мумкин эмас. Бизнинг мулоҳазаларимизгаёса бу аксиомани исбот қилишга уриниш сифатида эмас, балки халқ инжуларидраматик асарда нечоғли аҳамиятли эканлигини аниқлаш, шу асосда Фитратнинг бадиий маҳоратини текшириш сифатида қаралмоғи лозим.

Мураккаб сўз ва ибораларни кашф қилиб ўтирмайдилар. Буни Фитрат драмаларидаги муболағалар хусусида ҳам айтиш мумкин.

СИФАТЛАШ

Турли сифатлашлар сифатланишнинг турли томондан тавсифини беради, аммо сўзловчи нутқ жараёнида, агар у ўша шахс ёки предметни характерлашни мақсад қилиб қўйган бўлмаса, шу шахс ёки предметга тааллуқли сифатларнинг ҳаммасини тилга олмайди. Балки ўзи учун муҳим бўлган сифатнигина зикр этади. Чунончи Ҳақимбий Нодиршоҳ ҳақида сўзлар экан, шундай дейди: “Хонимиз Нодиршоҳ билан урушмоқ истайдилар. Бутун дунёни титратган кишига қарши урушмоқ учун бизда куч бўлмағонини англамайдилар”. Мазкур вазиятда Нодиршоҳнинг инсон, ота, ҳукмдор ва ҳоказо сифатидаги бошқа жиҳатлари эмас, балки “бутун дунёни титратган” фотиҳлиги Ҳақимбий учун муҳим. Бу муболағали сифатлаш Нодиршоҳнинг ҳарбий кучини кўрсатиш баробарида Нодиршоҳ ва Абдуллахон ўртасидаги тафовутни ҳам ёрқин гавлантиришга хизмат қилмоқда. Ҳақимбийнинг Эрон ҳукмдорига муносабати ҳам ана шу сифатлашда ак этган. Қизиғи шундаки, трагедиянинг бир неча ўрнида Нодиршоҳ номи тилга олинса-да, унга нисбатанбошқа бирорта сифатлаш ишлатилган эмас. Демак, трагедиянинг бутун мазмуни учун ҳам унинг бутун дунёни титратганлигимуҳим экан.

Бундан ташқари, Ҳақимбий шу сифатлашни қўллар экан, сифатланиш шу ўрнига “шоҳ”, “Нодиршоҳ” ёки бирор сўзни эмас, айнан “бир киши” иборасини қўллайди. Бундан сифатлаш ва сифатланиш ўртасида тазодий муносабат ҳам вужудга келган.

Бундай тазодий муносабат муболағадорликни авж пардага кўтарган Нодиршоҳнинг Абулфайзхондан – “буйруғи аркдан Мирарабгача юрмайдиган хондан нақадар устунлигини кўрсатишда муҳим аҳамият касб этган. Бундан яна бир хулоса келиб чиқади: асарнинг бутун мазмуни учун аҳамиятли бўлмаган ҳар қандай сифатлаш ортиқчадир. Бу жиҳатдан Фитратнинг “сўз усталиги”(Чўлпон) ўрнатилган арзиғулик! Агарда бу ҳолат биргина мисол доирасида қолиб кетса йўйиш мумкин. Аммо Фитрат пьесаларини диққат билан ўқиганда фақатгина муҳим сифатлашларнигина сақлаб қолган ҳар қандайдан, у ҳар қанча гўзал, мукаммал бўлмасин, воз кечилганини сезиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, “Абулфайзхон” трагедияси жанрий ва поэтик жиҳатдан пухта ўйланиб яратилган мукаммал асардир.

2.1. “АБУЛФАЙЗХОН” ТРАГЕДИЯСИДА ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ БАДИИЙ ВОҚЕЛАНИШИ

Фитратнинг “Абулфайзхон” тарихий фожеасини теран тушунмоқ учун ҳам драматург англаган ҳақиқатлар, қарашлар ва ўтмиш воқеаларидан хабардор бўлмоқ лозим.

Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясида XVIII аср Бухоро хонлигидаги ижтимоий-сиёсий, ғоявий, психологик конфликтларни кўрсатиш учун жуда кўп одамлар тақдирида ёвуз рол ўйнаган аштархонийлар сулоласининг инқирозга юз тутиши ва манғитларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллашлари воқеаларини тасвирлайди. Чунки бу давр драматург учун ўз ғоясини илгари суришга катта имкониятлари беради. Аштархонийлар замонидаги (1597-1747) тарихий ҳалокатлар, феодал жанжаллар, ноҳақ қатллар Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясида айтмоқчи, зўрлик, кучга асосланган тузумнинг тарихан инқирозини тасвирлаш учун энг муносиб восита.

Фитрат шунинг учун ҳам халқнинг тақдирида муҳим рол ўйнаган, трагедия концепцияси учун хизмат қиладиган воқеаларни танлади. Драматургнинг бош мақсади, фожеаларни, ҳаётини хронологик тарзда кўрсатиш бўлмагани учун, тргик кўринишга бой, энг характерли воқеаларнигина сюжет учн танлади ва пухта ўйлабкомпозиция яратди.

Трагедияда композиция яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки композиция драматургнинг фожеалар марказини, унинг ривожи ва хотимасини белгилаш учун муҳимдир.

Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедияси реал воқеалар асосида ёзилган экан, драматург бу тарихий воқеаларни қандай ва қайси манбаларга таяниб яратган?

XVII аср тарих илмига оид кўпгина манбалар бизгача етиб келган. Жумладан, Абулфайзхон, Нодиршоҳ, Раҳимбий, Ҳакимбий, Мир Вафо Карманагий, Ризоқули каби Фитрат трагедиясининг қаҳрамонлари бўлмиш тарихий шахслар ҳаётига иод ҳужжатлар ҳам бор.

Фитратнинг қайси тарихий манбалардан, қандай мақсад асосида воқеаларни танлагани масаласи ойдинлаштириш учун аввало, шу асарлар ҳақида мухтасар маълумот бермоқ жоиз.

“Абулфайзхон” трагедиясига асос бўлган тарихий манбалардан бири, бизнингча Мир Вафо Карманагийнинг “Тухфаи хоний” асаридир. Мир Вафо Карманагийнинг ўзи “Абулфайзхон” трагедиясидаги қаҳрамонлардан бири. Фитрат трагедиясида қатнашувчи кишиларни қайд қиларкан, Мир Вафони “Тухфаи хоний” деган Раҳимхон тарихини ёзган киши, Ҳакимбийнинг одами, 50-60 ёшларда” деб таништиради. Тухфаи хоний”ни тўлиқ номи Муҳаммад Вафо ибн Муҳаммад Зоҳир Карманагий бўлган шахс Олимбек ибн Ниёзқулибек эшон билан ҳамкорликда ёзган. Бу тарихий асар “Раҳимхон тарихи” деб ҳамюритилади. Унда 1722-1782 йиллар Бухоро ўлкасининг ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий ҳаётига дахлдор жуда қимматли маълумотлар келтирилади. Фитрат абулфайзхон ҳаётининг сўнгига доир, Раҳимхоннинг тахтни эгаллаш воқеасига оид кўпгина фактларни мазкур асардан олган. Нодиршоҳнинг аввал Қаршига, сўнггра Бухорога тажовуз қилиши билан боғлиқ воқеалар ҳам батафсил ёритилган, дейиш мумкин.

Асарнинг ёзилиш услуби оғир. Тарихий воқеалар ўта муболаға билн баён этилади, гоҳо Абулфайзхон ва унинг яқинларига шеърлар бағишланади. Масалан, тарихда сотқинлиги, мунофиқлиги билан маълум ва машҳур Муҳаммад Ҳакимни “ўз даврининг Рустами, тожу тахт ҳимоячиси эди” деб кўкларга кўтаради.

XVII аср тарихчиси Муҳаммад Козимнинг “Нодиршоҳнинг жаҳонгирлик тарихи” ҳам “Абулфайзхон” трагедиясини яратишда Фитрат учун асосий манбалардан бири бўлганлиги табиий. Нодиршоҳнинг шахсий лашкарнавис бўлган Муҳаммад Козим ўз китобида жаҳонгирнинг Эрон, Кавказорти, Ўрта Осиё, Ҳиндистондаги юришлари, шахсий характери ва халққа лашкарларга муносабатини атрофлича, батафсил ёритади.

Лекин унутмаслик лозимки, Муҳаммад Козим ҳам Нодиршоҳга яқин бўлганлиги сабабли тархий воқеаларни ёритишда бир ёқламаликка йўл қўяди. Нодиршоҳнинг босқинчилик юришларини ҳам ошириб мактайти.

Бу тарихий манбанинг характерли томони шундаки, “Абулфайзхон” трагедиясида тасвирланган Нодиршоҳнинг Қаршига юриши(1737), Ризоқулнинг 20минг аскар билан Қарши ҳужумини яхши ташкил этолмай орқага қайтганлиги, бу чекинишнинг сабаблари(Абулфайзхон ўз шартномачисибўлмиш Хоразм хони Элбурсни ёрдамга чақиргани) батафсл ҳикоя қилинади.

“Трагедиянинг учинчи пардасида тасвирланган “Рози обод”даги Нодиршоҳ ва Абулфайзхон учрашуви ҳам Муҳаммад Козимнинг мазкур асарига таяниб яратилган”.

(Ишнинг “Тарихий воқеалари тасвири”фаслини тарихий факт ва бадий тўқима билан қиёслаш орқали махсус ўрганилади).

Бу каби тарихий манбалар қаторига Аҳмад Донишнинг “Бухоро манғит амирлари тарихи”ни ва XVII асрда яратилган адабий асарларни ҳамқўшиш мумкин.

Масалан, XVIII асрда яшаган Равнақ Нодиршоҳнинг босқинчилигини нафрат билан тасвирлаб, уни Туркистонда ўша йилларда (1740-1750) тарқалган вабо касалига ўхшатган эди.

*Ҳар неча қон тўкурсан бедодинг била,
Эй, ажал йўқсен каби бир қотили жаллод ҳам.*

Раҳим эса:

*Дариго, олам аҳлин сарбамар ноошино кўрдим,
Мурувватлиг не бою, не фақир, не гадо кўрдим.*

- деб ёзган эди. Адабиёт тарихидан шу нарсая маълумки, Абулфайзхонга атаб, шеърлар битганлар ҳам бўлган. Бу эшон (Муҳаммад Тоҳир эшон Хоразмий – И.Ғ.) Эрон шоҳи Нодирга Бухоро вилоятининг тақдирини икки қўллаб топшириб қўйган. Абулфайзхонга мадҳиялар тўқийди. Унинг ота-боболарини мактайти, уларни идеаллаштириб кўрсатади.

...Равнақ Бухоро хонлари Муҳаммад Раҳим манғит (1747-1758), Дониёлбий оталик (1758-1785), Амир Шоҳмурод (1785-1800), Хива ҳукмдорларига атаб қасидалар ёзган.

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини чуқур билган Аҳмад яссавийдан тортиб Машраб, Турди ижодигача бўлган давр ҳақида жуда кўп шеърлар ёзган Фитрат учун бу адабий ходислар таниш бўлганлиги табиий.

Демак, Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясини яратишда Муҳаммад Юсуф Мунисийнинг “Муқимхон тарихи”, Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Абдурахмон Толеънинг “Абулфайзхон тарихи”, Муҳаммад Козимнинг “Нодиршоҳнинг

жаҳонгирлик китоби”, Мир Вафо Карманагийнинг “Тухфаи хоний”, Аҳмад Донишнинг “Манғит амирлари тарихи” ва XVII асрда яратилган асарлардан кенг фойдаланилган.

Фитрат тарихий ҳужжатлар асосида ўтмиш ҳақиқатини бадиий ҳақиқат даражасига кўтарган.

Юқорида саналган тарихий асарлардаги жамики воқеаларни эмас, энг ҳаяжонли кескин ва ҳалокатлиларинигина асар сюжетига киритган. Табиийки, бундай пайтда тарихий ҳақиқатдан бир қадар чекиниш ҳам бўлади.

Трагедиячи ўз қаҳрамонини маълум тарихий вазиятда кўрсатишни истади. Тарих унга вазият беради. Агар бу вазиятдаги тарихий қаҳрамон трагедиянинг идеясига мувофиқ келмаса, уни ўзгартиришга у тўлва ҳукуклидир. Мисол учун: Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясининг иккинчи пардасида Нодиршоҳ билан унинг учрашувларини тасвирлайди. Асардаги бу учрашув Абулфайзхон ҳукмдорлигининг тугашидан бир йил олдин (1746) бўлган қилиб кўрсатилади. (Фитрат трагедиясининг эслатмасида “учинчи пардалар билан тўртинчи пардалар, бешинчи пардалар орасида бирйил ўтади” деган). Ҳолбуки, мазкур тарихий учрашув Муҳаммад Козимнинг “Нодиршоҳнинг жаҳонгирлик китоби” асарида ёзилишича, 1740 йилди бўлиб ўтган: Нодиршоҳ АбулФайзхон билан Бухорога яқин Чор Бакир мавзеида учрашди.

Бу учрашув Хоразм юриши йилида бўлган эди(1740). Фитрат бу воқеани 1746 йилда бўлгандек тасвирлайди. Чунки драматург учун бу учрашувнинг мазкур шартноманинг оқибати:

Абулфайзхонни бутунлай Ҳакимбийнинг қўлида қўғирчоққа айлангани, кескин низолар, феодал жанглар авж олиши билан Бухорода трагик воқеаларнинг юксак бир чўққига чиқишини талаб қилади.

Тарихий ҳужжатдаги фактларнинг Фитрат трагедиясида оз бўлса ҳам ўзгариши олдиндан аниқ бўлган хотимага қараб ҳаракатланиши билан боғлиқ. Чунки трагик коллизиянинг характери воқеаларнинг бир қадам сунъий равишда бўлса ҳам ҳалокатли нуктага келишини тақозо этади.

Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясида тарихий ҳужжатлардаги ҳақиқатлардан чекинмайди ва айни замонда (ул фактларнинг кули) ҳам бўлиб қолмайди. У асарда илгари сурилган зулм салтанатининг инқироzi ғоясини исботлаш учун ижодий фантазиясига ҳам эрк беради. Лекин бу “эркинлик” тарихий ҳақиқатни янада бўрттирса бўрттирадики, асло унга қарши бормайди. Трагедиянинг умуминсоний қадрияти фалсафийлигини таъмин этади.

Фитрат трагедияси, Абулфайзхон даври ҳақида, XVII аср тарихий-илмий манбаларига қараганда янада яқинроқ таассурот қолдиради. Бунинг бош сабаби

драматургнинг тарихий ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, уларни тарихий тараққиёт мезонлари билан ўлчаб, тарих ва тарихий ҳақиқат қонунларига содиқ қолганлигидир.

Тарихий далилларнинг бадий ёритилиши

Фитрат “Абулфайзхон” трагедиясини яратишда тарихий ҳужжат ва ҳақиқатларнинг қайси бирига содиқ қолди? Қайси бир “илмий-тарихий тадқиқотнинг” фактларидан чекинди? Қайси бирини ўз ижодий концепциясидан келиб чиқиб ўзгартирди?

Тарихий драманинг ҳар қандай жанрда, - дейди В. Волкенштейн, - биз тарихий ҳақиқатдан (аниқликдан) чекинишни кўрамиз. Тарихин синфий муносабатларни ҳаққоний ёритишга интилган драмаатург тасодифий, характерли бўлмаганфикрларни ташлаб кетади ва шу маънода унинг драмаси тарихий хроника ҳужжатларининг ҳар бир ҳарфига қараганда ҳақиқатга яқиндир.

Дарҳақиқат, Фитрат ҳам “Абулфайзхон” трагедиясида XVIII аср Аштархонийлар ва Манғитлар ҳаётига оид кўпгина характерли бўлмаган воқеа ҳодисаларни ташлаб кетади. Трагедия учун хос энг кескин ҳалокатни, катта ижтимоий-сиёсий тўнтаришларга бой фурсатларнигина танлайди. Ўзи фожеали саналган бу воқеаларга ижодкорнинг бой фантазияси кўшилиб, аниқ хотимага – давр, ғоя ёки қаҳрамонни ҳалокатга элтувчи трагик ҳолат, изтиробли руҳий ҳалокатлар, кўрқинчли сахналар яратилади.

“Йўқсул ўлкасининг тарихидан олинганбеш пардали фожеа” - “Абулфайзхон” трагедиясининг эслатмасида Фитрат “Бундаги воқеаларда биринчи парда билан иккинчи парда орасида етти йил, иккинчи, учинчи пардалар билан тўртинчи, бешинчи пардалар орасида бир йил замон ўтгандир. Шунинг учун кимсаларнинг ёшларини ёлғондан қирқ-эллик, олтмиш, етмиш деб ўн йиллик очиклик қолдирди”, деб воқеалар тарихига аниқлик киритди.

“Трагедиядаги фожеалар – Нодиршоҳнинг ўлими Раҳимбийнингтахтга чиқиши(1747)ни ҳисобга олсак, энг кескин воқеалар 1737-1747 йиллароралиғида кечган, дейиш мумкин”.

Трагедия Абулфайзхоннинг Бухоро аркидаги қабул маросими билан бошланади. Хоннинг уйи “шоҳона тўшалиб безатилган, ўртасида осилган муҳташам чилчирокнинг бутун шамлари ёниб туради”. Улфат хўжасарой, Мирвафо ва Қози Низом шатранж ўйнайдилар. Уларнинг ўртасида қандайдир ётсирашга ўхшаш нимадир бор. Абулфайзхон ичкари уйларидан оғир босиб чиққандан сўнг Улфатдан шатранж ўйинида ким кучли? деб

сўрайди. Абулфайзхон трагедия воқеалари бошланишидаги биринчи гапи “куч” билан бошланади.

Абулфайзхон Қози Низомдан Фарход оталиқнинг хабарини сўрагач, у

(Қози Низом): Бордум, кўрушдим, сўйладим⁶ ҳоқонимизнинг энг ишончли куллари бўласиз. Ҳоқонимизнинг муборак мижозларига ёқмайтурғон ишлар қилар экансиз. Эрон кўшини Қаршидан қайтгандан сўнгра сизнинг туришингиз бошқача бўлгон экан, дедим.

Хон: Эрон кўшинини Қаршидан қайтарғон ёлғиз сен эмассан демадингизми?

Бу диологдан маълум бўладики, биринчи парда 1739-40 йиллар воқеалари билан бошланаётир. Чунки тарихдан Эрон кўшини билан Қарши ўртасидаги урушнинг 1740 йилда бўлганлиги маълум. Қози Низом, Абулфайзхоннинг хаяжонли диологи давом этар экан, бу воқеалар янада аниқлашиб, ойдинлашиб бораверади.

Қози Низом: Оталиқ кулингиз шундай дейлар. Эроннинг дейлар янги тўп милтиқлар билан яроғланган кўшини бизнинг кўшинимизни буза олгон бўлса ҳам, ўзбекнинг ботирлигини билганлиги учун ҳуркиб турар эди. Бизга ёрдам учун Хива кўшинининг ҳам Бухорога келганини эшитгач, бутун кўркди, усталик билан урушни ётқиздида қайтиб кетди. Бу ишда менимча Ҳакимбий иноқнинг айрича хизматимиз. Хива кўшини Бухорога келганича урушнинг кузатиб турмоқ бўлди, Мен Эрон кўшинини қайтардим деб, катталик қилмоғоним кабиҳонимиздан ёшурунгина Нодиршоҳга элчилар юбориб, хабарлашиб турмадим. Фитратнинг тарихий фактларни жуда ҳам пухта ўрганганлиги шундан ҳам маълум бўладики, юқоридаги Қози Низом тилидан сўзлаган воқеалар ҳақиқатдан ҳам содир бўлган: “Амударёнинг чап қирғоғи бўйларидаги илгари ўзбек ерларининг кўпчилигини эгаллаб, Нодиршоҳнинг ўғли Ризоқули отасининг фармони билан дарё кечиб ўтди ва ўн икки минг кишилик кўшин билан Қаршига етди. Қаршида ўтирган Муҳаммад Ҳакимбий эронлиларнинг яқинлашиб келаётганлигини эшитиб шаҳарга манғит ва бошқа қабилалардан тузилган кўшинни олиб кирди ҳамда шаҳар ва унинг атрофидаги барча аҳолини душманни бартараф қилишга сафарбар этди. Ризоқули аҳолидан барча дон захираларини тортиб олш мақсадида, аввал, Қаршига ёндош турган туманларга кўшин юборишни буюрди ва шундан кейин шаҳарни қамал қилишга киришди”.

Кўринадики, Фитрат трагедиясига тарихий ҳақиқатнинг айнан ўзини олиб киради. Лекин бу фактнинг ўзи “шунчаки хронологик тарзда эмас, ҳаётий зиддиятлар, шахслар қилмишини ва тақдирини кўрсатиш, Қози Низом, Улфат, Мирвафо, Абулфайзхоннинг бир-бирига ўхшамайдиган руҳий ҳолатларини” тасвирлаш воситасида трагедиядаги тугун худди шу ердан бошланади. Абулфайзхон ўз қўли остидаги лашкарбошиларни ўзига бўйсунмасликларини кўргач, ғазабга минади, қутуради. Шу ондаёқ унинг қон қуйилган

кўзларига “ўзини ота каби асраган Фарҳод оталиқ” балодек кўринадиган ва Улфатга “тур жойингдан, тез кет, беш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқнинг бошини келтирасан. Қандай ишласанг, шундай ишла”, деб буюради. Абулфайзхоннинг ҳалокатга бошловчи характерининг қирралари унинг дастлабки сўзлариданок намоён бўла борадию

Қози Низом томонидан Абулфайзхонга айтилган Фарҳод оталиқнинг “бизга ёрдами учун Хива қўшинининг ҳам Бухорогача келганини эшитгач, (Ризоқули) бутун кўркди, усталик билан урушни ётқузди-да, қайтиб кетди” сўзларини бутун бир юз саҳифа қилиб ёзса бўладиган тарихий реал воқеанинг моҳиятини англатади. Бу воқеа 1740-йилда бўлган эди: “Ризоқули аскарларининг сони Бухоро аскарларига қараганда тўрт марта кам бўлишига қарамай, Эронликларнинг ўтсочар қуроли енгил фолконот артиллериясининг устунлиги туфайли жанг эронликлар фойдасига ҳал бўлади. Бухоро қўшини тартибсиз ҳолда қоча бошлади. Абулфайз билан оталиқ(Муҳаммад Ҳаким – И.Ғ.) зўрға Қаршининг ичига кириб бекиниб олдилар”.

Ризоқули Қаршини қуршаб олиб, унинг деворлари остида қамал машиналар олиб келиб ўрнатади. Лекин ўн беш кунлик қамалдан кейин Бухоро территориясига жуда катта қўшин билан янги душман, яъни бухорорликларнинг иттифокчиси бўлган Хива хони Илбарс келаётгани тўғрисидаги хабарни эшитиб, Ризоқули Абулфайз билан сулҳ тузишга ва отасининг армиясига бориб қўшилиши учун Амударёнинг нариги томонига кетишга шошилди. Абулфайзхон Муҳаммад Ҳакимни Қаршига қолдириб ўзи пойтахтга қайтиб кетди. Илбарс ўзининг иттифокчиси (Абулфайзхон – И.Ғ.) эронлилар билан сулҳ тузганини эшитиб, Хивага қайтиб кетди. Савол туғилиши табиий: Фитрат трагедияда нима учун Абулфайзхон ва Ризоқулихон ўртасидаги сулҳ воқеасини четлаб ўтди?

Биринчидан, драматург асарини тарихий хронологияга айланиб қолишдек хавфдан сақлаб қолган бўлса, иккинчидан, ҳали Абулфайзхон ўз салтанатининг тўла таназзулининг англаб етгани йўқ эди. Асарнинг бош ғояси зулмга асосланган ҳар қандай тузумнинг тарихий ҳалокатини кўрсатиш бўлгани учун ва бу воқеа феодал жамият тимсолига айланган Абулфайзхон характерини очишда унчалик катта аҳамиятга молик эмас. Шунинг учун Фитрат трагедияга Абулфайзхон ва Нодиршоҳ ўртасидаги сулҳ саҳнасини олиб кирди. Асар композициясига бирор тарихий воқеани шундай теран ўйлаб жойлаштирдик, ҳар бир эпизод ўзидан кейинги кўриниш билан табиий боғланиш учун монелик қилмасин. Айни пайтда ўзидан кейинги фожеалар ривожини учун замин тайёрлаши зарур ва Абулфайзхон образининг энг характерли қирраларини кўрсатиши керак эди.

Абулфайзхон Фарҳод оталиқнинг ўрнига янги киши сайлаш учун Мир Вафо, Қози Низом билан маслаҳатлашганда Мир Вафо томонидан Ҳакимбийнинг номзоди кўрсатилса ҳам, унинг Эрон шоҳига элчилар юборгани тўғрисидаги хабар хонга аён бўлгани саба,

Иброҳим иноқни оталиқ лавозимига кўтарган эди. Бу табиийки, Ҳақимбийнинг нафсониятига тегади.

Ва бу воқеа конфликтнинг авж олишига сабаб бўлади. Мир Вафо Ҳақимбийнинг олдига яширин келгач, қандай қилиб Абулфайзхонни қулатиш масаласи кўрилади. Ҳақимбий шериклари Дониёлбий, Мир Вафо, Тоғайқулибийларга ўз одамини (ўғли Раҳимхонни) Нодиршоҳнинг фикрини билиш учун юборганини айтгач, Дониёлбий “хондан сўрадингизми?” дейди. Ҳақимбий эса “хон оталиғи бўла туриб, шунча ишни ўзим қила олмайманми?” дейди.

Ҳақимбийнинг бу сўзларидан унинг Абулфайзхон давридаги мавқеи жуда баланд эканлигини англашилади. Тарихан ҳақиқатдан шундай эмасмиди?

“Манғит қабиласидан чиққан Муҳаммад Ҳақимбий, -дейилади тарихий китобларда, - Абулфайзхондан пойтахтнинг оталиғи унвонини олиб, ҳамма оталиқларнинг бошлиғи ва иродаси хон (Абулфайзхон – И.Ғ.) вақтида ҳукмрон ҳоким бўлиб олди. Унинг ҳукмронлиги ўзбек боёнларининг умумий норзилигига саба бўлади. Хоннинг обрў-эътибори тамомила тушиб кетди”. Драматург тарихий кечмишнинг шунчаки баёни билан чекланмайди. Уни драматизмга бой ишончини саҳналарда, Бухоро ўлкасининг тақдири учун қўрқинч ва ҳаяжон тўла бир тарзда ифодалайди. Фожеаларнинг содир бўлиши саба ва оқибатларини атрофлича очиб боради. Фитрат Мир Вафонинг тилидан Арк ўзганинг ўйин-кулгуси борилган, ичиб ётган эди, деркан. Аштархонийлар сулоласининг емирилиш сабабларини айшу ишратнинг ҳаддан ортиқлигидан кўради, тарихий ҳақиқат ҳам буни исботлийд: “Абулфайзхон эртадан кечгача ичкилик бозлик қилар ва ўз саройида бузуқлик ишларини авж олдирар эди. Виоятлар ва айрим туманларнинг ҳокимлари, тепаларидан ва ҳақиқатдан назорат йўқлиги билан ўзларини мустақил тутар эдилар”. Ана шу назоратсизлик натижасида Бухоро ўлкасида бузғунчилик авж олиб, мамлакат ўз ичидан емирила бошлади. Буни ўз вақтида англаган Нодиршоҳ бу “имконият”ни қўлдан бой бермади. Фитратнинг драматург сифатидаги маҳорати шундаки, у бир сўз ёки жумла, гап воситасида бутун бир катта тўнтарилишга сабаб бўлган воқеаларга урғу беради. Нодиршоҳнинг олдига хуфия кетган Ҳақимбийнинг ўғли Раҳим тўқсабо Эрон шоҳи билан учрашиб, Бухородаги фожеавий аҳвол унинг заиф томонларини бутун тафсилотлари билан айтиб хурсанд бўлиб қайтди. Бу ҳам тарихий факт: “Шоҳ (Нодиршоҳ кўзда тутилаётир – И.Ғ.) Муҳаммад Раҳимни жуда яхши кутиб олди ва қароргоҳида қолдирди”.

Раҳим тўқсабони Нодиршоҳ олдига бориб Бухоро ўлкасининг бутун “сирларини” айтиб қайтиши саҳнасини Фитрат шунчаки трагедияга олиб кирмаган. Манфаат, шон-шухрат, бойлик йўлида ўз юрти Бухорони Нодирга “тақдим этиш”га тайёр Раҳим тўқсабо эртага Абулфайзхон ва унинг ўн беш яшар ўғли Абдулмўминни ўлдириб, ҳокимиятни

эгаллайди. “Сотқин, палид бир кимса бутун бир манғитлар сулоласининг бошланишига сабаб бўлади ва юртни бошқаради. Бу воқеанинг ўзи трагедия ичидаги яна бир трагедия”.

Абулфайзхон қанчалик пасткаш, шубҳачи, қонхўр, қатъиятсиз бўлмасин, Эрон қўшинига қарши кураш учун, ўз душмани бўлса ҳам Ҳакимбийни бирлашишга чақиради. Абулфайзхоннинг бу ҳаракати ўз тахти, манфаати учун бўлса ҳам тўғри қарордир. Эрон шоҳи билан хуфия боғланиб “Ҳакимбийнинг ўз юртини душманига “икки қўллаб тутқазиши” ҳам тарихий факт. “Пойтахтга келганидан кейин оталиқ (Абулфайзхон – И.Ғ.) хон ҳузурига боришни ўзи учун хавфли билиб, Мирараб мадрасасига тушди ва мадрасани атрофига қоровуллар қўйди.

Унинг фармони билан ҳамма бозорлар, кўчалар ва масжидларга юборилган жарчилар шоҳ армиясининг яқинлашиб келиши муносабати билан кимда-ким шахсий ва мулкӣ хавфсизликка тааллуқли, бирор масалани ҳал қилмоқчи бўлса, оталиқ ҳузурига бораверсин, оталиқдан тегишли жавоб олади, деб жар солиб ҳаммани бу ҳақда огоҳлантирдилар. Халқ Мирараб мадрасасига ёпирилиб кела бошлади. Оталиқнинг бу қилган иши уни шаҳар аҳолиси орасида обрўсини оширган бўлса-да, лекин сарой аҳллари ва зодагонлари оталиқни хоинликда айбладилар”.

“Оталиқни хон(Абулфайзхон – И.Ғ.) ҳузурига чақириб, кейин умумий куч билан халқни қўзғатиб, бидъатчи ишчиларга (эронлиларга) қарши қарши чиқмоқ учун ҳаракат қилиб кўрилади. Лекин Муҳаммад Ҳаким хон олдида бормади. Шундан кейин Абулфайзхоннинг ўғли оталиқ олдида, Мирараб мадрасасига борадиган бўлди ва Муҳаммад Ҳаким хон олдида салом бериш учун чиққанда уни ушлаб олиб ўлдиришга қарор қилинди. Лекин оталиқ ўз навкарларига мулозим ва сипоҳийлари билан бирга мадрасага яқинлашиб келаётган хонга қарши ўт очишни буюрди. Абулфайзхон қаттиқ саросима ичида саройга қайтиб кетади. Энди унга Нодиршоҳга таслим бўлишидан бошқа ҳеч илож қолмаган эди.

Фитрат бу тарихий воқеани тргедиясининг иккинчи пардасида шундай тасвирлайди: (Улфат Абулфайзхондан Ҳакимбийга элчи бўлиб келган).

Ҳакимбий. Келтурунгиз (Улфатни демоқчи – И.Ғ.) (Раҳим тўқсабо югуриб чиқар, ҳакимбий юриб сўзлар). Яъни шуни юборди. Орамизни бузган одам улфат бўлғонини била туриб яна шундай қиладир. Шу ақл билан хон бўлиб турмоқ истайдир. (Раҳим тўқсабо, Улфатни келтирар, Улфат салом берар). Нечун келдингиз?

Улфат. Мени хон юбордилар. Буюрдиларки, бориб айтингиз, бу муборақнамо ёзиб, у кишини ёнимизга чақирдик, келмадилар. Ўзимиз уйларига бориб , кўришиш учун чиқдик, одамлари бизни милтиқ билан қарши олдилар. Бунинг сабаби нима? Эрон қўшини

босиб кела турубдур, унга қарши нима қилмоқчи бўлсак, кенгашиб қилармиз. Оталик бизга кенгаш берадиларми, йўқми?

Ҳакимбий. Биз бу ўлканинг яхшилигидан бошқа нарса истамаймиз. Нодиршоҳга қарши чиқиб урушмоқ учун кучимиз йўқдур. Хоннинг буйруқлари Аркдан Мирарабгача юрмайдур. Эрон қўшини билан қандай уришарлар?

Улфат. Бек , сўзингиз тўғри қўйингиз, хон келсинлар, мана шу сўзларингизни ўзларига айтингиз.

Ҳакимбий. Хон ҳам келмасинлар. Биз ҳам бормаймиз. Бориб айтинг, мен билан кенгашмоқчи бўлсалар тўппа-тўғри Жуборга бориб, Хўжа Камолнинг уйларга қўнсинлар, элнинг катталарини чақирсинлар. Мен ҳам борарман. Шунда кенгашармиз.

Диологдан кўринадики, драматург тарихий далиллардан чекинмай тасвирлаётир. Аммо бу тасвир баёнчилик, воқеанавислик эмас, юксак драматизмга йўғрилган. Ҳакимбий, Улфат, Раҳим Тўқсабо, Нодиршоҳ, Абулфайзхонларнинг башараларини турли бадийий усуллар, қочириқлар, образли ўхшатишлар билан очмоқчи. Абулфайзхон даври ва унинг ҳокимиятининг бутунлай ич-ичидан чириганлиги Ҳакимбийнинг бир сўзи билан томошабин кўз ўнгида кўзгудагидек намоён бўлади: “Хоннинг буйруқлари Аркдан Мирарабгача юрмайдур”. Демак, Абулфайзхон отигагина, қўғирчоқдек Бухоро тахтида ўтирибди.

Трагедияда Ҳакимбий Улфатга қарата шундай дейди: “...мен билан кенгашмоқчи бўлсалар тўппа-тўғри Жуборга бориб, Хўжа Камолнинг уйларга қўнсинлар, элнинг катталарини чақирсинлар. Мен ҳам борарман. Шунда кенгашармиз”. “Ҳакимбий ва Бухоро катталари билан Абулфайзхон тарихда, ҳақиқатдан ҳам Жуборда учрашиб, “маслаҳатлашиб” олишгани рост. Аммо Абулфайзхон ва Ҳакимбий Жубордаги учрашувлари трагедияга олиб кирилмаган. Ҳакимбий тилидан эслатилади, холос”. Бу трагедиянинг камчилиги эмас, аксинча ютуғидир. Чунки, Ҳакимбий билан Абулфайзхоннинг муносабатларидан томошабиннинг кўз олдида уларнинг гаплашадиган гапларининг ўзи қолмаганлиги аён бўлиб қолади. Яна бу икки душманни бир-бири билан учраштиришга ҳожат йўқ. Иккинчидан, трагедия жанрининг ўзига хосликларининг биттаси, Аристотел айтмоқчи “яхлитлик масаласидир”. Яхлит бир нарса ибтидоси, ўртаси, интиҳоси бўлган нарсадир. Агар драматург барча тарихий воқеаларни асарга олиб кираман деса, ҳажман кенгайиши биробарида композицияни, марказни бир жойга тайин қилиш қийинлашади. Ҳалокатли хотимага қараб бораётган фожеавий ҳаракатларнинг “боши, ўртаси, интиҳосини таъминлаш” табиийки, оғир кечади. Трагедиянинг иккинчи пардасида Нодиршоҳ билан Абулфайзхон, Ҳакимбий, Қози Низом, Улфатларнинг сулҳ учун учрашганлари тасвирланган.

Бухорога яқин Ғозиобод қишлоғига кўнган Эрон кўшини орасида Нодиршоҳнинг чодери дабдабали безалган. Бу учрашув ҳам факт: мансабдор сарой аҳллари билан бирга Абулфайзхон шоҳнинг олдида Таллипач дарвозасидан йўлга чиқди. Унинг кетидан Намозгоҳ дарвозасидан ўша ёққа қараб навкарлар билан бирга оталиқ ҳам жўнади. Оталиқнинг аҳолининг турли табақаларига мансуб вакиллари кузатиб борар эди. У йўлнинг ярмида хонга етиб олиб унга кўшилди. Шу билан бирга хоннинг хиёнаткор оталиқ билан учрашуви жами тартиб-қоидаларга мувофиқ бир тарзда ўтди. Яъни, оталиқ хон олдида мулозамат билан кўл ковуштириб турди. Хон ҳам ўз навбатида оталиққа эътибор ва шафқат билан қаради. Шундан кейин хон оталиқ билан биргалашиб бордилар.

Учинчи парда Нодиршоҳ билан ўғли Ризоқули ўртасидаги юрт босиб олиш қонун-қоидаларига бағишланган диалог билан бошлади.бу сахнада Ризоқулининг кўриниши тасодифий эмас, алки бевосита иккинчи пардадаги воқеаларнинг мантикий давомидир. Нодиршоҳ Абулфайзхоннинг ўз душмани бўлишига қарамай, илиқ кутиб олади. Ҳатто ўғлига...сен хонни кўргангидан отдан тушиб яёв бор, кучоқлашиб кўриш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат, - деб тайинлайди. Нодиршоҳнинг ўзи эса, Абулфайзхон билан эски қадрдонларга, хоннинг ҳурмати жойига қўйиб кўрсатишади. Аслида шундай бўлганми? Асрдаги бу эпизодни реал тарихий факт билан чоғиштирайлик:

Нодиршоҳ. Келсунлар (Ризоқулихон чиқар, шоҳ тахтдан энар, эшикка юргач, Абулфайзхон, Ҳакимбий, Хўжа Калон, Алиқулихон келарлар) Абулфайзхон билан Нодиршоҳ кучоқлашиб кўришурлар. Абулфайзхоннинг кўлидан олиб тахтга чиқарар, ўзи ҳам тахтга чиқар, ҳаммалари ўтирурлар.

Шоҳ билан Хон ҳол-аҳвол сўрашиб, жойларида туриб бир-бирларига қуллуклаб, боз ўтирурлар.

Нодиршоҳ (кўноқларига). Бухорои Шарифнинг улуғлари, хуш келдингиз.(ҳаммаси туриб қуллук қилдилар). Тарих китобларида бу воқеа қуйидагича баён этилган: Абулфайзхон Нодир билан Бухоро яқинда Зарафшон дарёси бўйида Чор Барк деган жойда учрашадилар. Нодир Абулфайзхонга илтифот билан муомала қилди, унинг ҳудудини танидир. Хон шоҳ ҳузурига 12 кун бўлганидан кейин Бухорога қайтиб келди. Кўринадик, 17 асрнинг реал воқеаси Фитрат томонидан кўп ўзгартиришларга учрамай асарнинг тарихий таянчи бўлиб хизмат қилмоқда. Тарих асарларида Абулфайзхон билан Нодиршоҳнинг учрашув жойи Чор Бакр дейилса, трагедияда Қозиобод дейилган. Бу учрашув жойини алмаштириш ёки чалкаштириш эмас, аксинча унга янада аниқлик киритиш мақсадида қилинган. Фитратнинг ўзи Бухоролик бўлгани учун вилоятнинг туманларидаги кўпгина қишлоқларни яхши билган.”Чор Бакр” аслида қишлоқнинг номи эмас, Ғозиобод қишлоғида жойлашган тарихий обида (мадраса)нинг номидир.

Нодиршоҳ Абулфайзхон билан сулҳ тузаркан, Бухоро тахтини яна қайтадан хоннинг ўзига “тортиқ” қилади. Нодиршоҳнинг бу ғавқулотда ҳаракати мантиққа зиддек туюлади. Бухоро тахтини ўз ўғлига олиб беришини истаган шоҳ кўли баланд кела туриб яна қайтиб Абулфайзхонга Бухоро тахтини “қайтадан ином қиларкан”, унинг Ҳакимбийга айтган гаплари ва оталиққа берган катта ҳудуди келгусида “бир қўғирчоқ каби” бўлиб қолиши кўрсатилади. Фитрат бу эпизодни тўкиб чиқараётгани йўқ, асар ғоясидан келиб чиқиб тарихнинг шундай бир нуқтасини топганки Абулфайзхон ва Нодиршоҳ характерларининг “ббутун дунёси” шу воқеани янада чуқурроқ очиқ беради.

“Абулфайзхон”даги Нодиршоҳнинг сўзлари билан тарихий манбалардаги фактларни муқояса қилайлик: Нодиршоҳ... Менга тортиқ қилганингиз Бухоро тахтини ўзини эгаси бўлган Абулфайзхонга қайтадан бағишлайман (Хон билан ҳаммалари туриб қуллуқ қилдилар). Ўлканинг бутун ишларина бошқариб турмоқни Ҳакимбий оталиққа топширдим (оталиқ туриб қуллуқ қилар). Барчангиз шунинг ўзидан чиқмангиз. Мен сизнинг ўлкада тўрт-беш кун тураман.

Тарихий манбада: “Умуман 18 асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ғоят қийин ҳолатни бошдан кечирди. Натижада ,у Эрон подшоҳи Нодиршоҳ кўли остидаги мамлакатга айланди ,Нодиршоҳ Бухорони бошқаришни ўз одами бўлган оталиқ Муҳаммад Ҳакимга топширди. Трагедияда тарихий воқеалар шу қадар лўнда ва ихчам ва айнаи замонда тушунарли қилиб ифодаланганки, Нодиршоҳ тарихини ёзган Муҳаммад Козим мазкур сахна воқеаларига юзлаб қоғозларни сарфлаган”. Нодиршоҳ ҳокимиятнинг инон-ихтиёрини Ҳакимбий оталиққа топшираркан, Абулфайзхонга жарима сифатида кўшинга “озуқани тайёрлаб бермак” вазифасини буюради. Бу ҳам ўтмишда бўлган реал воқеа: “Нодиршоҳ оталиққа шоҳ армияси учун нақд пулга 200 минг эшакка ортилган буғдой ва бошқа ем-хашак етказиб бериши топширилган эди”. Драматург ҳар бир тарах ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришга, ҳар бир воқеадан катта ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ҳулосалар чиқаришга, қаҳрамонларнинг қалб драматизмлари, ҳар бир воқеадан ўз-ўзлари ва бир-бирлари ўртасидаги қарама-қаршиликни ёритади. Руҳий изтиробларини чизишни унутмайди. Ҳар бир тарихий фактни ўз фантазияси билан бойитиб, унинг жонли, ишонарли, трагик ҳолатга бой қилиб тасвирланишини таъминлайди. Воқеалар бир занжирда тизилиб аниқ ғоя-мустабид тузумнинг авра-астарини очишга хизмат қилади.

Юқоридаги кузатишлардан келиб чиқиб, Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедиясини яратишда тарихий факт ва воқеалардан фойдаланишни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Тарихий ҳужжатларда қандай бўлса, шундайлигича, айнан тасвирланган (Ризоқулининг Қаршига юриши, Мир Араб мадрасасидаги Абулфайзхон ва Ҳакимбий

навкарларининг тўқнашуви, Раҳимбийнинг Нодиршоҳ билан хуфиёна учрашуви, Абулфайзхоннинг ўлими ва ҳ.к - И.Ғ).

2.Содир бўлган ўрни. Санаси ўзгартирилсада, моҳияти сақланган воқеалар (Фарҳод оталиқнинг ўлими, Иброҳимбийнинг оталиқ қилиб тайинланиши, Ҳакимбийнинг ҳовлисидаги хуфиёна маслаҳат. Ғозиободдаги Нодиршоҳ билан Абулфайзхоннинг учрашуви, Абдулмўминхоннинг ўлими ва ҳ.к - И.Ғ)

Демак, Фитрат ўтмиш воқеаларининг оддий баёнчиси эмас, тарихий ҳақиқатни бадий меҳварига олган, 20-аср ўзбек адабиётининг йирик драматургидир.

2.2 ”АБУЛФАЙЗХОН” ВА ДУНЁ ТРАГЕДИЯНАВИСЛИГИ. УСЛУБ, БАДИЙ ОҲАНГ ВА ОБРАЗЛАР ДУНЁСИ УЙҒУНЛИГИ

Юқорида айтиб ўтдикки, ”Абулфайзхон” илк ўзбек трагедиясидир. Шундай экан, Фитрат ушбу тарихий фожеани яратишда қандай илмий ёки бадий манбаларга таянди? Қайси трагедиянависларнинг ижодий тажрибаларидан фойдаланди? Буни биз дунёга машҳур драматург Вилиям Шекспир қаламига мансуб ”Макбет” трагедияси ва ”Абулфайзхон”ни қиёслаш асосида ўрганамиз.

Фитратнинг ”Абулфайзхон” трагедияси билан Шекспир асарлари ўртасида яқиндик, адабий таъсир ”Макбет” трагедиясида намоён бўлади. ”Макбет” ва ”Абулфайзхон”, бу икки трагедия ўртасидаги ҳам ғоявий-фаласафий, ҳам қаҳрамонлар психологиясини яратишда муштараклик бор. Иккала асар ҳам ёвузли қвоситасида тикланган ҳокимиятнинг инқирозга юз тутиши тарихий зарурат деган ғоя асосида ёзилган.

Абулфайзхон тули хийла-найранг, қотиллик орқасидан Бухоро тахтини эгаллагач, шубҳа, қўрқув воситасида ўз яқинлари, лашкарбошилари, сарой аъёнларининг қотилига айлана боради.

Қон устига қон, таъқиб устига таъқиб, жабр-зулм зўрайди. Абулфайзхоннинг эътиқодича, ”бутун жанжалларани ўлим битиради”. Бухоро ўлкаси бутунлай сиёсий-иқтисодий инқирозга юз тутиб, Нодиршоҳга тобе бртга айланди. Айшу ишратга берилган хон мамлакатни оғир ҳалокатдан қутқаришга қодир Фарҳод оталиқ ва Иброҳим

иноқларнинг ҳақ сўзлари, танбехларидан заррача хулоса қилмай, “отаси асраб олғон ўзининг содиқ қуллари” Улфат ва Давлатнинг кўлида бутунлай қўғирчокқа айланган.

Шекспирнинг Макбети ҳам Шотландия қироли Дунканни ўлдириб (ўз кўли билан) бу қотилликни Дунканнинг икки эшиқбонига тўнкаб, уларнинг кўлига ханжар тутқазиб ва қонга белаб, ўз қилмишини яшириш учун эшиқбонларни ўз қиличи билан бурдалайди. Бир қотиллик устига иккинчи қотиллик, Макбет Шотландия қироллигини эгаллагач, ўз қотилликларини ўйлаб гумон ва шубҳа, қўрқув ва саросимага туша бошлайди. “Омонатдир бошда тож”, - деркан, эртами – кечми ўз қилмишига яраша жазо олиши мумкинлигини ўйлаб, руҳий изтироб чекади. Тахти учун шубҳага берилиб, Дунканнинг лашкарбошиси Данкони ўлдиради. Бу қотиликлар билан ҳам тинчимайди, чунки Данконинг ўғли Флекс унинг таъқибини сезиб қочиб улгурган эди.

Кўринадики, Макбет ва Абулфайзхон характерининг, қилмишларининг моҳиятида, шубҳаларида яқинлик бор. Иккаласи ҳам ҳокимият васвасасида қотилга айлана боради ва иккаласи ҳам ёвузлик тимсоли.

Макбет томонидан Шотландия қироли Дункан ўлдирилгач, асар қаҳрамонларидан бири Росс “табиатига хилоф Э,воҳ, давлатпарастлик”, деб хийла Макбетнинг манфур башарасини очгандек бўлади. “Макбет” ва “Абулфайзхон”даги ғоя, руҳий тасвирларнинг муштараклигини аниқ мисоллардан янада теранроқ англаш мумкин:

Шекспир Макбетнинг қотилга айлана бориш жараёни, унга Лера Макбетнинг ёвузликка ундовчи “таъсир”ини атрофлича ёритган. “У (Лера Макбет), - деб ёзганди В.Г. Белинский, - виждоннинг сўнгги сасларини ўчиради, ёмонлик қилиш учун унинг (Макбетнинг – И.Г.) жасоратини намуна қилиб, ундаги қалбаки уятчанлик туғдиради ва ёмонликка қатъий равишда ундайди”.

Фитрат трагедиясида эса Абулфайзхон виждоннинг сўнгги асосини унинг ўз надиими Улфат ўчира боради:

Хон(сўзини кесиб), Бас... еган тузлари кўр қилсин...(Фарход оталиқ назарда тутилаётир). Кимни тупрокдан кўтариб, курсига чиқарсак, тезгина бошимизга чиқмоқчи бўладилар.

Улфат, ҳокони оламларни яна тупрокка қайтариш сизни қўлингиздадир”.

Леди Макбет эрига унинг мардликларини намуна қилган бўлса, Улфат Абулфайзхоннинг “оламнинг ҳоконии” эканлигини “намуна” қилиб хонни қотилликка ундайди. Улфатнинг бу “ундашлари” зое кетмайди:

Хон. – яхшиямки, буларнинг ўлими ўз кўлимиздадир. Йўқса, оз замонда бизни эшак қилиб минмак истмйдилар.

Улфат: Хонимизга маълумдирким, подшолик қон билан суғориладурган ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир.

Хон.(Улфатга) тур ўрнингдан, тез кет. Беш дақиқадан кейин Фарҳод оталик бошини келтирасан. Қандай истасанг, шундай ишла.

Абулфайзхон иродасининг бўшлиғи, қатъиятсизлигини теран билган Улфат қотилликларни хоннинг характеридаги ана ўша заифликлар воситасида амалга оширади. Улфат қотилликка замин тайёрлайди. Лера Макбетга ўхшаш. Абулфайзхон ўз характери, иродасидан келиб чиқиб, қотилликларни ижро этади. Чунки Абулфайзхон ва Улфатнинг моҳияти битта: бири феодал жамият мафкурасининг хон тимсолидаги, иккинчиси хоннинг ноодил маслаҳатчиси рамзидаги моҳияти холос.

Ана шундай қотилликка ушдаш операциясида Леди Макбет ва Улфатнинг яқинлик томонлари яққол кўринади.

Данконинг ўлдирилганини Макбет зиёфатдан чиқиб эшитади. У базмга қайтиб киргач, ўзининг ўриндиғида Данконинг арвоҳини кўра бошлайди. Мулозимлар Макбетни ўтиришга таклиф этадилар. У ўтирмайди. Макбет ўз ўриндиғида Данконинг арвоҳини кўраверади. У: “Менга ўрин йўқ”, - деб даврадагиларни таажжубда қолдиради. Арвоҳ ёлғиз Макбетнинг кўзига кўринади, зиёфатдагилар бундан беҳабар. Шу ўринда Макбет табиатан қотил эмаслиги кўринади. Лекин унинг сўнгги виждонини Леди Макбет ўчирган.

Аслида эса Макбетни бундай аянчли вазиятга ўзи мансуб ижтимоий жамият мафкураси туширган.

“Абулфайзхон”да ҳам хоннинг руҳияти, виждон қийноқлари худди шу тарзда содир бўлади. Абулфайзхон ўз қотилликларидан безади. Лекин ноҳақ қотилликларни тўхтатишга унинг иродаси етмайди, қолаверса, шубҳалари йўл бермайди: хон (ёлғиз) шу тирикликдан бездирди мени (туриб юради). Бир душманнинг қони қуримайин яна биттаси чиқиб қоладжир. Бу Иброҳим ахмоқ ҳам мени тинч қўймайтургандек кўринади. Қачонгача ўлдураман бунларни ортиқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади...Бунларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни ташласа, нима бўлар. Йўқ... йўқ. Бунларнинг-ку ўзи йўлга келмайдир. Ўлдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманим қолмагунча қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшолик қон билан суғориладурғон бир ёғочдир”.

“Макбет”да (Макбет Данконинг арвоҳидан кўрқиб, сесканиб) арвоҳга қарата: Эркак зотиқодир ишга қодирман. Мен ҳам бошқа қай бир қиёфада кўринма, майли Журжания йўлбарсими, ёвуз каркидон, Россиядан келган пахмоқ айиқ бўлиб ё ... – чўчимасдан, қилт этмасдан бирор томирим.

.....

Биз бемормиз, ўша тирик юрак экан то,
Фақат унинг қатли билан топуर्मиз даво.

Макбет учун “Журжания йўлбарси, ёвуз каркидон ё бўлмаса “Россиядан келган пахмоқ айикни енгиш”, виждон азоби ҳокимият учун шубҳа-гумонларни енгишдан кўра минг марта осон. Лекин Макбет учун ўз ичидаги ёв тахт, шуҳрат ўтини ўчириш қийин. Макбет ўз қилмишларин ўйларкан, кўрқиб, титраб виждон азобидан эзилади:

Макбет:

Кечалари ваҳм босиб чиққандан кўра,
Олам аро ровияти занжир узилиб,
Чок-чокидан сўкилмасин ҳар ики дунё,
На кўнглида кўркинч, кўркинч хаёлларга хад,
На руҳимда дилхун-дилхун азобларга чек.

Леди Макбет:

Жоним, тинчлан, чехранг биров равшан айлаким,
Меҳмонларни шоду хуррам кутишинг лозим.

“Абулфайзхон”да:

Хон. Улфат, мен бу ишлардан безидим. Бу одамларнинг биттаси ҳам менга тўғри карамайдир. Фарҳод оталиқ ёмонлик қилди. Ҳоким иноқнинг қилғон ишларини кўриб турибсан. Иброҳимни одам деб ўйласам, бу ҳам бузукқа ўхшайди. Қон тўкмак-да бездим. Акамни ўлдирдим. Кўп дўстларимни ўлдирдим. Мени бир ота каби асрагон Фарҳод оталиқнинг бошини оёқлар остинда кўрдим(кўзларин тутиб) уф... кўзларим қонга тўлди. Кечалари ухлай олмайман. Кўзларимни юмғач, бутун ўлганлар, ўлдирганларим мени айлантируб оладилар. Сараланиб ёнимдан ўтадилар. Мени кўрқитадилар, менга куларлар...

Улфат. Ҳоқоним, бунларни ўйламангиз. Ўлукларни эсингиздан чиқарингиз. Ётоққа киргач, Қуръондан бир оят ўқиб ётингиз. Бунлар ҳаммаси ўткинчидир. Яқинда душманларингизни битирармиз. Ҳозир энди, бошқа ишларни кўрайлик.

Диологдан кўринадики, Абулфайзхон ўз виждонининг тазйиқига ғарқ бўлади. Гуноҳларини эслаб “уфф...” дея оғир тин оларкан, ўз қилмишларидан эзилади. Хон жисмонан тирк бўлса-да, маънан ўлимга маҳкумлигини сезади. У ҳар кеч кўзини юмғач, ўзи истамаса ҳам, виждони олдида қайта-қайта тазйиққа маҳкум. Абулфайзхоннинг қотилликлари оз эмас, ўттиз етти йил...(1710-1747).

Юқоридаги киёслашда нафақат Макбет ва Абулфайзхоннинг руҳий-виждоний азоблари, балки Улфат ва Леди Макбетнинг хатти-ҳаракатлари “қотилликка ундовчи бурчлари” ҳам монанд

Макбет ўз қилмишлари олдида азобланиб Леди Макбетга кўнглини очса, у “Жоним, тинчлан, чехранг бироз равшан айлаким, Меҳмонларни шоду хуррам кутишинг лозим”, - дейди. Абулфайзхон виждон қийноқларидан Улфатга кўнглини бўшатса, “Ҳоқоним, бунларни ўйламангиз. Ўлукларни эсингиздан чиқарингиз. Бунларнинг ҳаммаси ўткинчидир”, - деб хонни осойишталикка чақиради. Леди Макбет “Жоним”, - деб эркалиниб гапирса, Улфат “ҳоқоним” дея хонни кўкларга кўтариб гапирди. Лекин Улфат Леди Макбетга қараганда, яна ўн чандон айёроқ. У Абулфайзхонни оғир вазиятдан чиқаришга ҳаракат қиларкан бир лаҳза ҳам қотилликка ундовчи “вазифа”сини эсдан чиқармайди:

“Бунлар бариси ўткундур. Яқинда душманларингизни битирасиз”, - дейди.

“Макбет ўз ўрнида Данконинг арвоҳини кўргач: Ўйқ, беҳуда бари. Мени фош этолмайсан. Қонга ботган сочларингни силайверма кўп”, деб кўз олдида Данконинг сочларини кўргандай бўлади.

Макбет қўрқади, сесканади, ваҳимага тушади:

“Ўйқол, даф бўл, қайтиб яна қаро ерга кир. Қонинг қотган, илигинг пуч, суякларингда менга киприк қоқмай боққан кўзларинг басир”.

Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедиясида бундай кўрқинчли мураккаб руҳий ҳолат – виждон қийноқлари ва тахт васвасаси картинаси миллий колорит билан бойитилиб, янада чуқурлаштирилади.

Шекспир Макбетнинг бу ҳолатини зиёфат сахнасида гавдалантирса, Фитрат трагедиясида мазкур ҳолат Абулфайзхоннинг тушида содир бўлади.

Бу виждон қийноқларининг ишонарли чиқиши учун “Хусайний” куйининг чалиниб тугаши билан хон туш кўриши эпизоди берилди. Бу куйнинг трагедияга олиб кирилиши ҳам руҳий ҳолатни тасвирлашга жуда қўл келган. Чунки Шарқ классик куйларида халқнинг минг йиллик дарду андуҳи, ҳасрат-надоматлари тўла мужассам топган. Абулфайзхоннинг шу лаҳзадаги қийноқлари “Хусайний” куйи билан ҳамоҳангдек.

Абулфайзхон чолғу секинлаб битгандан сўнг уйкуга кетаркан, туш кўради: Хон (тушида). Акам... нечун келди...(бўғдурулғони арқон бўйинда тақилғони ҳолда чиройли бир хотиннинг ҳаёли келар). Ўйқол, кет(хотин ҳаёли хонни бўғарди, унга қараб юрар. Хон талваса қилар). Кет ...кет (бир йигит ҳаёли Фарҳод оталиқни бошини олиб келар. Хонга яқинлашар.) йўқол...келма...(ҳаёл чекилар. Ундан сўнг учала ҳаёл бирлашиб хонга ҳужум қиларлар. Хон кучли талваса билан қичқиради). Вой.... урма. (ўз товушидан уйғониб, ирғиб турар. Товушни эшитган Давлат тўқсабо бир шамдонча кўтариб югуриб кирар)...

Булар бу дунёда ҳам менга қарши бирлашганга ўхшайдир, мени тинч қўймайдилар, чоғи.

Макбет “Қасос – интиқом. Биз ўзимиз қуйган заҳар тўла косани ўзимизга тутар” деб ўз котиликлари туфайлиазобларни охиригача тортишга маҳкум этилганлигини ўзи тан олиб, иқрор бўлса, Абулфайзхон “Бунлар у дунёда ҳам менга қарши бирлашганга ўхшайдилар, чоғи”, деб ўз қилмишларини тан олаётир.

Демак, Вильям Шекспир драмаларидаги кескин вазиятратиш, қаҳрамоннинг ички руҳият оламини чуқур очиш, шахслар қалбида кечаётган трагик коллизияни ҳаяжонли тасвирлаш каби хусусиятларни Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедиясида ҳам кузатиш мумкин.

Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедияси шунчаки адабий таъсир, воқеа, ҳалокат ва характерларнинг ўхшашлиги билан чекланмаган.

Драматург Вильям Шекспир анъаналарини янги бир босқичга кўтарди. Ҳақиқий санъат асарининг қудрати, яшовчанлиги ҳам шундаки, орадан қанча давр ўтмасин, ҳар бир ўқувчи, томошабин, тадқиқотчи унинг янги маъно, туйғу қирраларини, фалсафий моҳиятини оча боради.

ХУЛОСА

Абдурауф Фитрат тарихан жуда мураккаб даврда яшаб ижод этди. Тайинсиз сиёсат, сталинча қатағонлар, иқтисодий ва маърифий зўравонликлар, зиёлиларга нисбатан шубҳали қарашларнинг авж олиши Фитрат ва унинг ижодини ҳааам четлаб ўтмади.

Унинг қаламига мансуб асарларни адабий муҳитдан четга чиқарибхалқ учун зарали деб баҳоланди.

Ўзини эса “Пантуркист”, “Панисломист”, “Жаҳон буржуасининг миллиатчи жосуси” дея айбладилар. Ана шундай мураккаб замонда турли кураш- зиддиятлар, қатағонлар авж олган муҳитда яшашига қарамай серқирра ижодкор саналмиш Фитрат ўзидан кейингиавлодга 260 босма табоқдан ортиқ илмий, адабий мерос қолдирди.

Фитрат ижодига назар ташлар эканмиз, биз унинг ниҳоятда серқирра ижодкор, улкан қомусий билимлар соҳиби бўлган олим эканлигига гувоҳ бўламиз. Фитрат – шоир, носир, публицист, драматург, олим ва таниқли жамоат арбоби сифатида бир вақтнинг ўзида фаолият юритган, у ўзбек ва тилларида ижод қилган зулличсонини ёзувчи, араб ва турк тилларининг билимдони, ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослиги, мусикашунослигига асос солганлардан биридир.

Фитрат мутафаккир ижодкор сифатида санъатнинг кўпгина турларида ижод қилди ва қайси жанрда ижод қилмасин, жадидчилик, ислохотчилик, маърифатпарварликни тарғибу ташвиқ қилди. Унинг қаламига мансуб асарларга назар ташлар эканмиз, куйланаётган дард бир миллат, бир халқ чегарасидан чиқиб бутун инсоният-башариятга дахлдор эканлиги, башарият орзу-армонларига уйғунлашиб кетганлигига гувоҳ бўламиз. Фитрат нафақат ўзбек, балки бутун дунё тафаккурий тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ инсондир.

“Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати” мавзусидаги магистрлик диссертациямизга яқин ясар эканмиз ишда келтирилган боблар бўйича қуйидагиларни хулоса тарзида келтириб ўтамиз:

- “Абулфайзхон” – биринчи ўзбек трагедияси. 20 аср бошларда жадидларимиз томонидан ўзбек адабиётига киритилган ўзгаришлар, жанрлар, тасвир воситалари, бадиий услубдаги ўзига хос янгиликлар замонавий адабиётимиз тараққиёти учун ўзига хос аҳамият касб этди. А.Қодирий томонидан ўзбек романчилигига асос солиниши, Чўлпоннинг шеърятга ўзгача бир оҳанг олиб келиши, Бехбудийнинг драматургия тамал тошини қўйиши, уларнинг миллиатимиз маънавий тарихида нечоғли ўрин тутганини кўрсатиб беради. Фитрат ҳам ана шу ижодкорлар қаторида улар билан елкама-елка туриб ижод қилди. Биз магистрлик ишимизда Фитратнинг ўзбек трагедиянавислигининг илк намунаси сифатида тан олинувчи “Абулфайзхон” трагедиясини яратишдаги маҳорати тўғрисидаги фикрларни келтириб ўтдик. “Абулфайзхон”нинг том маънодаги илк ўзбек тарихий ғожеаси эканлигини таниқли адабиётшунос олимларимизнинг фикр мулоҳазалари мисолида кўриб чиқдик ва шунга амин бўлдикки, “Абулфайзхон”нинг жанр, поэтик тасвир, образлар дунёси, бадиийлик унсурлари билан ўз даври ва ундан кейинги давларда ҳам ўзбек трагедиянавислигининг илк ва такрорланмас намунаси бўлиб қолаверади.
- “Абулфайзхон”нинг жанр хусусияти ва ундаги бадиий тасвир воситаларини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, Фитрат ушбу трагедияни яратгунга қадар Ғарб трагедиянавислиги анъаналаридан жуда яхши хабардор бўлган.

драматург ўз асарини яратиш жараёнида тўла равишда трагедия жанрига хос бўлган энг нозик хусусиятларгача эътибордан четда қолдирмаган ва трагик ҳолатларни ифодалаш учун улардан моҳирлик билан фойдаланган. “Абулфайзхон”да Фитратнинг эришган ютувларидан яна бири воқеаларни тасвирлаш жараёнида трагедия унсурларининг ичигашарқ мумтоз бадиий тасвир воситаларини жуда моҳирлик билан сингдирган ва улардан унумли фойдаланган.

- Юқорида таъкидлаб ўтдикки, Фитрат “Абулфайзхон”ни “Бухоро ўлкасининг тарихидан беш пардали фожеа” деб атайди. Биз асарда келтирилган воқеаларни тарихий фактлар билан солиштириш асосида билдирилган фикрларимизга қуйидагиларни хулоса қилиб ўтамиз. Фитрат зукко драматург сифатида “Абулфайзхон” трагедиясидатарихий фактлардан унумли фойдаланган ва ана шу фактларни бадиийлик воситасида ўз мақсади сари моҳирлик билан йўналтира олган.
- биз ишимизнинг аввалги қисмларида ҳам таъкидлаб ўтдикки, Фитрат “Абулфайзхон”ни яратгунга қадарҒарб драматургияси билан жуда яқиндан таниш бўлган ва ўз асарида машҳур драматургларнинг ижодий тажрибаларидан унумли фойдаланган. Фитрат Вильям Шекспир ижоди мисолида кўриб ўтдик. Ҳақиқатан ҳам, Фитратнинг трагедия жанридига серқирра ижодини ушбу жанр бўйича юксак поғоналарга эришган Ғарб трагедиянавислигисиз тасаввур этиш қийин. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаймизки, Фитрат Ғарб трагедиянависи аъёнларини Шарқ бадиий оҳанглари билан бойитди ва юқори поғонага кўтара олган буюк драматургдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
2. Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996-йил 22-февралдаги қарори
3. Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий, назарий мероси, ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумхурият илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро, 1992 йил.
4. Алиев А. Фитрат ва Умар Хайём. // “Нафосат” г. 1982, 3-4 сон.
5. Алиев А. Фитрат драмалари // Санъат. 1989, 10-сон.
6. Аристотел. Поэтика. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
7. Ахмедов С. Сахнада дунё дарди. // ЎзАС. 1988 йил, 16-сентябрь.
8. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Олий ва ўрта ўқув юртлари учун қўлланма. – Тошкент: 1992.
9. Болтабоев Ҳ. Бобуршоҳ Фитрат талқинида. // ЎзАС. 1992 йил, 27-март.
10. Болтабоев Ҳ. Номалум Фитрат. // Ёшлик. 1990 йил, 4-сон, 34-42-бетлар.
11. Болтабоев Ҳ. Хорижда фитратшунослик. // ЎзАС. 1992 йил, 27-март.
12. Ғаниев И. Мастерства Абдурауфа Фитрата В создани трагедии “Абулфайзхон”. Автореф. Дис.канд.фил.наук. – Т. 1992.
13. Зуннунов А., Ҳотамов Н. Адабиёт назариясидан қўлланма. –Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1978.
14. Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
15. Имомов Б. Трагедия ва характер. Драматургия жанрлари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
16. Исоқов Й. Ташбих // Ўзбектили ва адабиёти , 1970 йил, 4-сон, 81-84 б.
17. Камол Ж. “Абулфайзхон” – тўнғич тарихий драма. // ЎзАС, 1989 йил, 14-апрель
18. Каримов Н. Мавлоно Фитрат // Фан ва турмуш. 1988йил, 7-сон, 8-9 б.
19. Каримов Э. “Абулфайзхон” тарихий драмаси ҳақида. // Шарқ юлдузи. 1989 йил 1-сон 80-81 б.

20. Каримов Э. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990 йил 3-сон
21. Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари: илмий мақолалар. – Тошкент: Университет нашриёти, 1993.
22. Мирвалиев С. Тарихийлик ва замонавийлик. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
23. Мурод Ғ. Тарихий жараённинг бадиий талқини, - Бухоро, 1994.
24. Мустафақулов Р. Разветие жанра трагедии в узбекский драматургия. Дис.канд.фил.наук. –Тошкент. 1990.
25. Назаров Б. Фитрат маърифатнинг гултожи. // Шарқ юлдузи, 1991-йил 8-сон,8-9 б.
26. Норматов У. Етуклик. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
27. Раимова Г. Фитрат исёни. // ЎзАС, 1991 йил, 25-октябрь
28. Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг сахна тарихи. // Санъат, 1991 йил, 3-сон 17-21 б.
29. Турдиев Ш. Фитрат жаҳон кезади // Фан ва турмуш, 1991 йил, 12-сон.
30. Тўраев Х., Ғаниев И. Манғит амирлари кечмиши ва талқини // ЎзАС. 1994, 16-сентябрь
31. Умарқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. –Тошкент: Фан нашриёти, 1993.
32. Фитрат. Абулфайзхон. // Шарқ юлдузи, 1989-йил 1-сон, 83-104 б.
33. Фитрат. Адабиёт қоидалари. –Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1995.
34. Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат.// Ёшлик. 1990, 5-сон, 61-63 б
35. Қосимов Б. Абдурауф Фитрат – халқ фарзанди. // Саодат. 1989, 7-сон, 15-16 б.
36. Қосимов Б. Жадидчилик: // Ёшлик. 1990, 7-сон, 71-75 б.
37. Қосимов Б. Инсон фожеалари.// ЎзАС. 1990 йил, 6-апрель
38. Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Тошкент: Маънавият нашриёти, 2002.
39. Ғаниев И. Фитратшунослик. Бухоро 1990 йил.
40. Ғаниев И. Фитрат. Ўзбекистон. Ижод. –Тошкент: Камалак, 1994.
41. Ғаниев И. Фожеанинг янги талқини. // ЎзАС. 1992 йил 28-август
42. Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. –Тошкент: Фан нашриёти, 2005.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. боб

1.1. “Абулфайзхон” – ўзбек трагедиясининг илк намунаси....8

1.2. “Абулфайзхон” трагедиясининг жанрий-поэтик хусусиятлари
.....21

II. боб

2.1. “Абулфайзхон” трагедиясида тарихий хужжатларнинг бадиий
воқеланиши.....33

2.2. “Абулфайзхон” ва дунё трагедиянавислиги. Услуб, бадиий оҳанг ва
образлар дунёси мисолида.....54

ХУЛОСА63

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....67